# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 66-67 (619-620)
2022 йил 23 август, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТИ:

# ЯНГИ ТАШАББУСЛАР, ҚУЛАЙЛИК ВА ЕНГИЛЛИКЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 22 август куни Халқаро конгресс марказида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Давлатимиз раҳбари тадбир аввалида юртимиз ишбилармонларини Тадбиркорлар куни байрами билан табриклаб, улар мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишда асосий куч эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 августдаги фармонига мувофиқ, Тадбиркорлар куни муносабати билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган 29 нафар фидойи ва илғор тадбиркор орден ва медаллар билан мукофотланган эди. Тадбирда ана шу юксак мукофотлар топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 августдаги қарори билан "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони таъсис этилган эди. Мазкур мукофотга сазовор бўлган 100 нафар тадбиркорга ҳам жойларда ушбу янги кўкрак нишони топширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мулоқотда, аввало, ўтган йилги учрашувдан бери бажарилган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Жумладан, бизнес муҳит яхшиланганини натижасида ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар қурилган. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага кўпайиб, 26 мингтага етган. Яна минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказган, 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етган. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингта бўлган, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайган.

Ушбу, навбатдаги мулоқот арафасида ҳам "колл-марказ" ташкил этилди ва тадбиркорлардан 12 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Уларда шахсий ёки маҳаллий муаммолар билан бирга тизимли масалалар ҳам кўтарилган. Улар бўйича энг мақбул йўлларни топиш учун таҳлилий иш олиб борилиши қайд этилди.

Президент бешта асосий йўналишни кўрсатиб ўтиб, уларнинг ҳар бири бўйича кўплаб ташаббусларни илгари сурди.

Биринчи йўналишда корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувлар белгиланди.

Хусусан, йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган корхоналар – микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани – кичик бизнес ва 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киради.

Шундан келиб чиқиб, 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади.

Йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солиғини 2 баробар кам тўлайди. Ушбу имкониятлар 370 минг тадбиркорга енгиллик яратади.

Юқори салоҳиятли ўрта корхоналар сонини кўпайтириш зарурлиги таъкидланиб, улар учун қатор солиқ ва компенсация имтиёзлари белгиланди.

Ўтган йилги очиқ мулоқотда давлатимиз раҳбари бизнес учун солиқ юкини камайтириш сиёсатини давом эттиришга ваъда берган эди. Пандемия келтирган иқтисодий қийинчиликларга қарамай, 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилиши маълум қилинди.

Тадбиркорлар учун яна бир енгиллик. Жорий йил 1 июлдан бошлаб бўш бино ёки фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан солиқларнинг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинган эди. Президентимиз тадбиркорларнинг шу тарзда илгари ошириб ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзларидан ҳам воз кечилишини айтди.

2-бет

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

22 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, бўлажак олий даражадаги тадбирларни ҳисобга олиб минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил сентябрь ойи ўртасида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши доирасидаги учрашувларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Россия Президентлари, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилдилар.

Ҳукуматлар ва идоралар даражасидаги фаол алоқалар ва алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Икки мамлакат етакчилари Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришни қўллаб-қувватладилар. Шу муносабат билан жорий йилнинг кузида мамлакатимизда Ҳудудлараро форумнинг ўтказилишига муҳим аҳамият берилмоқда.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 август куни АҚШ Конгресси аъзолари Трент Келли ва Дэрин Лахуд иштирокидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Парламентлар ўртасида фаол алмашинувларни ҳамда конгрессменлар вакиллик қилаётган Миссисипи ва Иллинойс штатлари билан амалий ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда икки томонлама муносабатларда эришилган юқори даража мамнуният билан қайд этилди. Самарали мулоқотлар кенгаймоқда, ўзаро ташрифлар амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ўтган йилда 53 фоизга, жорий йил бошидан эса яна 20 фоизга ошди. Бозоримизда муваффақиятли фаолият юритаётган АҚШ компанияларининг сони ортиб бормоқда.

Мисол тариқасида "Silverleaf" компаниясининг Жиззах вилоятидаги агрокластерни ривожлантириш борасидаги сермаҳсул фаолияти кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Конгрессида фаолият юритаётган Ўзбекистон бўйича кокуснинг натижадор ишини юксак баҳолади.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, саноат ва юқори технологиялар соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

АҚШнинг ушбу ҳудудларидан ишбилармонлар делегацияларининг мамлакатимизга ташрифларини ташкил этишга келишиб олинди.

**ЎзА.**

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи

Ҳурматли тадбиркорлар, очиқ мулоқот иштирокчилари!

Бугун Тадбиркорлар куни муносабати билан мамлакатимиз бизнес ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлган сиздек азиз инсонлар билан кўришиб турганимдан ғоят мамнунман.

Бугунги мулоқотимиз энг улуғ ва энг азиз айём – Мустақиллик байрами арафасида ўтаётгани, ҳеч шубҳасиз, унга алоҳида мазмун ва руҳ бағишламоқда, десам, тўғри бўлади.

Бундан бир йил олдин сизлар билан мана шундай эзгу анъанани йўлга қўйганимиз жуда тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Ўтган йилги учрашув арафасида ва тадбир давомида сизлардан келиб тушган минглаб мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш ва таклифларни амалга оширишга қаратилган катта дастур, 70 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилдик. Бизнесни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун 130 триллион сўм кредитлар, 3,5 триллион сўмлик субсидия ва компенсациялар ажратдик.

Ўтган йилги учрашувимиз арафасида хорижий валютада кредит олган ва валюта курсининг мунтазам ўсиши сабабли қийин аҳволга тушиб қолган юзлаб тадбиркорларимиздан мурожаатлар келиб тушган эди. Шундай муаммога дуч келган тадбиркорларнинг мушкулини осон қилиш мақсадида уларнинг 123 миллион долларга тенг кредитларини миллий валютага ўтказиб бердик. Ушбу амалиётни давом эттирамиз.

Қурилиш саноатида цемент, чарм-саноатда бўёқлар ва кимёвий моддалар, мебель саноатида МДФ, фурнитура ва аксессуарлар каби жами 82 турдаги хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар импорт божидан озод қилинди, натижада маҳсулотларнинг таннархини камайтириш учун шароит яратилди.

Умуман, ижобий мисол сифатида кўрсатадиган натижаларимиз кўп. Мен улар ҳақида кўп тўхталмасдан, айнан бизнес муҳитнинг яхшиланганини кўрсатувчи мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

Эътибор беринг, ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар барпо этилди. Яъни, тадбиркорлар келажакка ишониб, кўчмас мулкка инвестицияларни кўпайтирмоқда. Шунингдек, тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага ошиб, 26 мингтага етди. Яна 1 минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказди. Тадбиркорларимиздан 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етди.

Мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингтага етди, умумий экспорт ҳажми 30 фоиз кўпайди.

Албатта, бундай ютуқларга эришиш осон бўлмаяпти. Мен буни яхши тушунаман. Ушбу ютуқлар негизида сизларнинг тинимсиз ва машаққатли меҳнатингиз турганини аниқ биламан ва қадрлайман.

Бугун ушбу минбардан туриб бир гапни баралла айтмоқчиман: **мен сизларни фаровон ҳаётимиз бунёдкорлари, деб биламан ва бу йўлда сизлар билан доим биргаман.**

Ҳозиргина 29 нафар бизнес вакилларимизга уларнинг фидокорона меҳнатини эътироф этиб, давлатимизнинг юксак орден ва медалларини топширдим. Шунингдек, куни кеча 100 нафар ишбилармонларимиз "Фаол тадбиркор" кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу тадбиркорларимизни яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Дунёдаги ҳозирги вазиятни кўриб турибсиз, унинг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсири ортиб бормоқда.

Иқтисодий фаолликнинг пасайиши, ташқи савдо, логистика, озиқ-овқат ва хомашё нархлари, энергия билан барқарор таъминлашдаги муаммолар тадбиркорларни албатта хавотирга солмоқда.

Шу боис ушбу хавф-хатарларнинг иқтисодиётимизга таъсирини камайтириш ва барқарор ривожланиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз. Бу жараёнда тадбиркорларимиз билан доимий мулоқот қилиб, келгусидаги барча саъй-ҳаракатларимизни бамаслаҳат давом эттирамиз.

Ҳурматли бизнес вакиллари!

Бугунги мулоқотимиз арафасида тадбиркорларимиздан 12 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатлардаги саволлар, билдирилган таклиф ва ташаббусларнинг мазмуни билан батафсил танишиб чиқдим. Шунингдек, вазирлар ва ҳокимлар бизнес вакиллари билан алоҳида мавзулар бўйича учрашди. Ана шу учрашувларда сизлар кўтарган муаммолар, берган таклиф ва ташаббуслардан ҳам хабардорман.

Чиндан ҳам, бугунги кунда бизнес вакилларида ечимини кутаётган кўплаб масалалар йиғилиб қолган.

**Биринчи** – янги лойиҳаларни бошлаш, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни кўпайтириш учун тадбиркорларда 6 миллиард доллар қўшимча кредитларга эҳтиёж мавжуд. Бу ҳақда 3 мингга яқин мурожаат келиб тушган.

**Иккинчи** – 1,5 минг тадбиркор солиқ маъмурчилигининг мураккаблиги ва текширувлар бўйича ўз эътирозларини билдирган.

**Учинчи** – тадбиркорлик учун шароитлар барча туман ва шаҳарларда ҳам бир хил эмас. Буни яқинда жорий этилган ҳудудларнинг инвестициявий рейтинги яққол кўрсатиб берди.

Барча туман ва шаҳарларда тадбиркорликни тенг ривожлантириш бўйича ҳар бир ҳудуд учун алоҳида ёндашувлар зарур.

**Тўртинчи** – инфратузилмага уланиш, ер ва жой ажратиш масалалари бўйича бизнес вакилларининг кўплаб муаммолари ҳал этилмасдан турибди. Бу борада ҳам 2 мингдан ортиқ мурожаатлар бор.

**Бешинчи** – мулк дахлсизлиги, тадбиркорлик фаолиятига аралашиш ҳам бизнес вакилларини жиддий ташвишга солаётгани сир эмас.

**Олтинчи** – бизда кичик ва ўрта бизнес тушунчалари, уларнинг ўсишига туртки берадиган алоҳида қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланмаган.

Сизлар кўтарган ана шундай масалалар ўринли.

Бир нарсани очиқ айтмоқчиман – ҳамма муаммоларни бирданига ҳал қилиш мумкин эмас. Лекин, бугун кўплаб масалаларга ечим топишга ҳаракат қиламиз, қолганлари бўйича бизнес вакиллари ва экспертлар билан ҳамкорликда ишлаймиз.

Ҳозир мен 5 та йўналишдаги ташаббусларни айтиб ўтсам-да, кейин сизларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларингизни кўриб чиқсак.

Ҳурматли очиқ мулоқот иштирокчилари!

Айтиб ўтганимдек, биринчи йўналишда – корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувни белгилаб олишимиз зарур. Бунда корхоналарни уларнинг йиллик айланмаси бўйича тоифаларга ажратамиз. Уларнинг 1 миллиард сўмгача бўлгани – микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани – кичик бизнес, 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киради.

2-бет

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# ЯНГИ ҚОНУННИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ БЎЙИЧА СЕМИНАР

**Қурилиш вазирлигида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги мутахассислари ҳамда вазирлик масъуллари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош тамойили "Инсон-жамият-давлат" ғояси асосида экан, бу жараёнлар қонунчиликда ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаётгани эътирофга молик.**





Хусусан, ўтказилган семинарда ҳам ана шу фикрлар илгари сурилди. Таъкидландики, "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 10 та боб ва 64 та моддадан иборат бўлиб, ушбу ҳужжат асосида Ўзбекистонда ижро ҳокимияти функцияларини амалга оширувчи давлат хизмати органлари ва ташкилотларидаги 118 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ барча муносабатлар ягона қонун билан тартибга солинмоқда.

Мулоқотларда барча ташкилотларнинг вакант лавозимлари очиқ ягона электрон платформага жойлаштирилиши, давлат идораларига ишга киришда очиқ-ошкора танлов орқали қабул қилиниши, кадрлар билан ишлаш жараёни электрон тизимга ўтказилиши алоҳида қайд этилди.

"Ҳозирги кунда талаб этилаётган 16 та ҳужжатнинг сўралмаслиги, давлат ташкилотларида салоҳиятли кадрлар кўпайиши ва бюрократияни йўқ қилишга замин яратади", дейилди семинарда. Шунингдек, қонун билан давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, бунда давлат органларининг асосий вазифа ҳамда ваколатлари ва давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, шунингдек, хизматни ўташ билан боғлиқ чекловлар билан бир қаторда бошқа вазифалар белгиланди.

Жумладан, давлат фуқаролик хизматида қонунийлик, адолатлилик, халққа хизмат қилиш тартиби, давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик, шаффофлик, холислик, профессионаллик ва компетентлик тамойиллари мазкур ҳужжат билан қатъий белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, давлат хизматига киришда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги қонунда ўз аксини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз амалга ошириш тартиби қонун асосида белгилаб берилиши бу давлат органларида фаолият олиб бораётган хизматчиларнинг профессионал мутахассис бўлишига катта замин яратади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№66-67 (619-620) 2022 йил 23 август

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТИ:
# ЯНГИ ТАШАББУСЛАР, ҚУЛАЙЛИК ВА ЕНГИЛЛИКЛАР

1-бет

Иккинчи йўналиш қулай молиялаштириш тизимига оид бўлди. Шу мақсадда кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди. Бундан ташқари, тижорат банклари халқаро молия институтларидан ҳам маблағлар жалб этади.

Тадбиркорлик жамғармаси томонидан кафиллик бериш имкониятлари қўшимча 2 баробарга оширилади. Натижада камида 15 минг нафар тадбиркорнинг кредит олишдаги гаров масаласи ҳал бўлади.

Албатта, кредит бу – масаланинг бир томони. Бизнес учун яна инфратузилма ва кафолатли бозор керак. Бу борада эса, дейлик, Тошкент вилояти билан олис ҳудудларда имконият мутлақо ҳар хил.

Шу боис учинчи йўналишда туман ва шаҳарларнинг шароитидан келиб чиқиб, бизнес учун алоҳида ёндашувлар жорий этиш масаласи кўрилди. Келгуси йилдан шарт-шароити бўйича барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилади. Уларда солиқ, субсидия, кредит фоизлари учун компенсация ва кафиллик бериш, инфратузилмага улаш бўйича алоҳида тартиблар белгиланади.

Ерни хусусийлаштириш учун белгиланган сумма, яъни, ер солиғининг 20 карраси миқдоридаги тўлов Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 10 каррага, бошқа ҳудудларда 5 каррага пасайтирилади.

Тўртинчи йўналиш тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқи ҳимояси ҳақида бўлди. Ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш, тергов жараёнида мол-мулкни хатлаб қўйишни фақат суд ҳал қилиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг судларга мурожаат қилиш имконияти кенгайтирилади. Жумладан, маъмурий судларга ариза беришда давлат божи ставкаси 2 баробар камайтирилади. Тадбиркорларнинг солиқ идоралари қарори устидан судга шикоят киритиш муддати ҳозирги 1 ойдан 3 йилгача узайтирилади.

Бешинчи йўналишда тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Аввало, тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинди. Келгуси йилдан 26 та идоранинг такрорланувчи назорат функциялари бекор қилиниши айтилди.

Давлатимиз раҳбари солиқ текширувларига оид жарималар тури кўплиги ва оғирлиги бўйича жуда кўп мурожаатлар бўлганига эътибор қаратди.

Мисол учун, ойига ўртача 1 миллион сўм солиқ тўлайдиган кичик тадбиркорларга 5 миллиондан 10 миллион сўмгача молиявий жарима қўлланмоқда. Яъни, кичик тадбиркорлар учун ҳам, йирик корхоналар учун ҳам жазо бир хил.

Президент барча турдаги текширувлар Бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлаштирилиши, жарималар миқдори тадбиркор тўлаётган солиқ миқдоридан ошмаслиги кераклигини таъкидлади.

Умуман, энди савдо соҳасида ишлайдиган тадбиркорларни қарийб 30 йилдан бери қийнаб келадиган муаммо барҳам топади – яъни, савдо қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик тўлиқ бекор қилинади.

Адлия вазири ва Бизнес-омбудсманга тадбиркорларнинг таклифларини чуқур ўрганиб, текширувлар муддатларини қисқартириш, молиявий хато ва камчиликларнинг минимал чегаравий миқдорини белгилаш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мулоқотда тадбиркорларни маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Давлатимиз раҳбари кўп иш ўринлари яратган, ўз соҳасида инновация ва ислоҳотлар қилган, эл-юрт орасида обрў қозонган бизнес вакиллари меҳнатини эътироф этиш учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор" фахрий унвонини таъсис этиш таклифини билдирди.

Савдо-саноат палатаси фаолиятини такомиллаштириш зарурати ҳам кўрсатиб ўтилди. Энди унинг вазифа ва ваколатлари кенгайтирилади. Хусусан, ҳукуматга кўриб чиқиши мажбурий бўлган масала киритиш, тадбиркор манфаатини кўзлаб Олий судга ариза бериш ваколатлари берилади. Савдо-саноат палатаси ҳукумат бўйсунувидан тўлиқ чиқарилади ва тадбиркорлар манфаатининг чинакам ҳимоячисига айланади.

Ушбу очиқ мулоқотда айтилган барча таклифларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик кенгаши тузилиши белгиланди.

Сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев юртимиз ишбилармонларини Тадбиркорлар куни билан яна бир бор табриклаб, фаолиятларига муваффақият тилади.

– Биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ғоят муҳим ва ҳал қилувчи босқичга қадам қўймоқдамиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, инновацион фикр ва ёндашувингиз бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва бу ўринда сиз барча соҳа вакилларига ўрнак бўлишингизга ишонаман, – деди давлат раҳбари.

**ЎзА.**

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи

1-бет

Шундан келиб чиқиб, **биринчидан**, 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади. Бунда олис ҳудудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинади. Ёки улар ихтиёрий равишда йилига 20-30 миллион сўм тўласа, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ идораларига тақдим этиш мажбуриятидан озод этилади.

Бундан ташқари, айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солиғини 2 баробар кам тўлайди. Ушбу имкониятлар 370 минг тадбиркорга енгилликлар яратади ва уларга жуда катта стимул беради.

Айни пайтда айланмаси 10 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорларга хабардор қилиш орқали солиқ тўловларини олти ойгача фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади (амалда 15 фоизлик ставка қўлланади), агар тадбиркор хоҳласа, унинг солиқ ҳисоботларини солиқ идоралари кўмакчи бўлиб юритиб беради.

**Иккинчидан,** тез ўсиб бораётган салоҳияти юқори бўлган ўрта корхоналар сонини ҳозирги 3,5 мингтадан 10 мингтага етказишимиз зарур. Бунинг учун 2023 йил 1 январдан бошлаб кичикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солиғининг фақат 50 фоизини тўлайди. Шунингдек, мулкни суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилади.

Бундан ташқари, соддалаштирилган солиқ, молиявий ва статистика ҳисоботлари жорий этилади.

Давлат харидларида 20 фоиз квота ўрнатилиб, ушбу харидлар доирасида мазкур тоифадаги корхоналарга олдиндан 50 фоиз маблағ тўлаб берилади (амалда 15 фоиз).

**Учинчидан,** ўрта корхоналарнинг ривожланиши ва рақобатдош бўлишида халқаро стандарт ва сертификатлаш тизимини жорий этиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқаришга қанчалик тез жорий этилса, ички бозорда сифатли маҳсулотларимиз ҳам кўпаяди. Афсуски, буни ўз кучи билан амалга ошириш учун тадбиркорда маблағ ҳам, тажриба ҳам етарли эмас.

Шу боис Бош вазир ўринбосари Ж.Ходжаев, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Д. Саттаров) бир ой муддатда ҳар бир ҳудуд ва тармоқ кесимида бажариладиган аниқ тадбирлардан иборат қарор лойиҳасини киритсин.

**Тўртинчидан**, кичик ва ўрта бизнес учун энг муаммоли масалалардан бири – бу қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва қайтариш билан боғлиқ.

Эсингизда бўлса, бундан 3 йил олдин қўшилган қиймат солиғи фақат экспортчи корхоналарга қайтарилар эди. 2020 йил 1 июлдан бошлаб эса, ушбу солиқни барча корхоналарга қайтариб беришни бошладик. Бунинг ҳисобидан бундай солиқ тўловчилар сони 25 баробар ошиб, 160 мингтага етди.

Бизнес учун солиқ юкини тушириш сиёсатини давом эттириб, олдинги очиқ мулоқотда қўшилган қиймат солиғи ставкасини янада туширишни келишиб олган эдик.

Очиқ айтишим керак, "Иқтисодиёт пандемия туфайли ҳали тўлиқ тикланмади, жаҳон иқтисодиётидаги вазият яхши эмас, шу сабабли буни кейинга қолдирайлик", – деб таклиф берганлар ҳам бўлди. Лекин, сизларни ишонтириб айтаман: биз ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз ва 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 12 фоизга туширамиз.

Шу билан бирга, тадбиркорларимизда ушбу солиқ бўйича кўплаб саволлар, тушунмовчиликлар бор.

Бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман, қўшилган қиймат солиғи иқтисодиётимиздаги "касалликлар"ни, хуфиёна жараёнларни, ҳисоб-китоблардаги "заиф жойлар"ни кўрсатиб бермоқда.

Мени энг ташвишга солаётган жиҳат шуки, "зачётга олиш"даги нотўғри ишлар туфайли ҳалол тадбиркорларимиз, жумладан, экспортёрларимиз ҳам азият чекмоқда.

Бош вазир ўринбосарлари Ж. Қўчқоров ва Ж. Ходжаев, Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Қудбиев), Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов) бизнес вакиллари ва экспертлар билан бирга, икки ой муддатда қўшилган қиймат солиғи бўйича келиб чиқаётган муаммоларни очиқ муҳокама қилиб, аниқ ечимлари бўйича таклифлар ишлаб чиқсин. Лекин буни кутмасдан, жорий йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоби тўлиқ йўлга қўйилган корхоналарга маблағларни 7 кун ичида қайтариш тизими жорий этилади.

Ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев) бундай тоифага тушадиган тадбиркорлар рўйхатини шакллантириб, амалий ишларни ташкил этсин.

**Бешинчидан,** жорий йил 1 июлдан бошлаб бўш бино, фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинди. Лекин аввал ошириб ҳисобланган солиқлар нима бўлади, деган савол 19 минг тадбиркорни безовта қилмоқда ва бу бўйича кўплаб мурожаатлар келиб тушган.

Шуларни инобатга олиб, тадбиркорларнинг оширилган солиқ ставкалари бўйича ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзларидан бутунлай воз кечсак, нима дейсизлар?

**Иккинчи йўналиш** – тадбиркорларимиз ўз фаолиятини кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай молиялаштириш тизимини ташкил этишни сўрамоқда.

**Биринчидан,** кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтирилади. Жумладан, келгуси бир йил учун Молия вазирлиги микро ва кичик бизнес лойиҳалари бўйича Микрокредитбанк, Агробанк ва Халқ банкига 500 миллион доллар ресурс ажратади.

Ушбу маблағлар ўз фаолиятини энди бошлаган тадбиркорларнинг кичик лойиҳалари учун 300 миллион сўмгача, 5 йил муддатга, 2 йилгача имтиёзли давр билан берилади.

Бундан ташқари, халқаро молия институтлари билан тадбиркорларимиз учун 1 миллиард доллар узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилиш бўйича аниқ келишувларга эришдик. Шундан 300 миллион доллари аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги лойиҳаларига ажратилади.

Бу ҳақда сўз юритганда, JICAдан – 400 миллион доллар, Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан – 150 миллион доллар, Жаҳон банкидан – 150 миллион доллар, Осиё тараққиёт банкидан – 120 миллион доллар, Ислом тараққиёт банки ва савдо-молия корпорациясидан – 180 миллион доллар жалб этиш бўйича келишувларга эришилганини қайд этиш лозим.

Бунга қўшимча равишда давлат банкларига соф фойдасидан 2 триллион сўмни ўзларида қолдириш ва кичик тадбиркорларнинг лойиҳалари учун йўналтириш имконияти яратилади.

Хабарингиз бор, апрель ойида микро молиялаш фаолиятига кучли турткi берадиган қонун қабул қилдик. Лекин, афсуски, тадбиркорликни ривожлантиришда ҳанузгача бу тизимнинг ўрни сезилмаяпти.

Марказий банк раиси М. Нурмуратов эски тизимдан воз кечиб, микромолиялаш ташкилотлари ривожланишига тўсиқларни олиб ташлаши керак. У Адлия вазири Р. Давлетов билан бирга ҳар уч ойда бизнес вакиллари билан учрашиб, янги қонуннинг амалда ишлашига масъул ва жавобгар бўлади.

Умуман, икки ой муддатда микромолиялаш ташкилотларига қўшимча маблағларни жалб қилиш, уларнинг кредитлаш имкониятларини кенгайтириш бўйича алоҳида чораларни белгилаб, йил якунига қадар кескин ўзгариш қилиш лозим.

**Иккинчидан**, тижорат банклари ўрта бизнес лойиҳалари учун халқаро молия бозорларидан давлат кафолатисиз 700 миллион доллар маблағ жалб қилади. Бунда 5 миллион долларгача кредитлар ўрта тадбиркорларга 7 йилдан кам бўлмаган муддатга 3 йилгача имтиёзли давр билан берилади.

Шунингдек, тижорат банклари давлат ресурс ажратишини кутиб ўтирмасдан, депозитлар ҳисобига 20 триллион сўмни жалб қилади ва қўшимча кредитларни беришга йўналтиради.

**Учинчидан**, ҳудудларда 109 нафар ўрта бизнес вакиллари қиймати 4,6 миллиард долларлик 111 та йирик лойиҳани амалга ошириш ташаббуси билан чиққан. Бу орқали 45 мингта иш ўрни яратилади.

Бугунги учрашувда ушбу ташаббусни илгари сурган бизнес вакилларининг кўпларини кўриб турибман. Улар ўз ҳисобидан 1,6 миллиард доллар ҳамда 1 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этишга тайёр. Қолган 2 миллиард доллари учун узоқ муддатли кредитлар зарур. Шу мақсадда Миллий банк, Саноат қурилиш банки ва Ипотекабанк ушбу маблағларни жалб қилиш бўйича манзилли ишлайди.

Ташаббус кўрсатиб, ҳам ўз фаолиятини кенгайтирган, ҳам бошқа корхоналарнинг ўсишига кўмак берадиган бундай тадбиркорларни давлат ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев ва инвестиция ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А. Воитовга топшириқ: ушбу лойиҳаларнинг ҳар бирига вилоят ҳокимларининг инвестициялар бўйича ўринбосарлари, Ҳукумат ва вазирликлардан масъулларни бириктириб, муаммоларини ҳар 15 кунда шахсан муҳокама қилиб, ечимлар топиб борсин. Ҳар чоракда лойиҳаларнинг бориши бўйича Президент Администрациясига ахборот киритиб борсин.

Бундан ташқари, молия вазири Т. Ишметов четдан жалб қилиниб, банкларга жойлаштирилган ресурсларни тадбиркорларга ажратиш муддатларини 2 баробар узайтирсин. Яъни, кредитлар аввалги 7 йил ўрнига 14 йилгача ажратилади. Бунда Молия вазирлиги фоиз ставкасини 14 фоиздан, хорижий валютадаги кредитлар бўйича маржасини эса 0,25 фоиздан оширмайди (ҳозирги вақтда 1 фоизгача).

**Тўртинчидан**, кредитлашда асосий муаммолардан бири – гаров таъминотининг етишмаслиги ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, банкларга мурожаат қилган тадбиркорларнинг 16 фоизида гаров етишмаслиги сабабли уларга кредит бериш рад этилган.

Шу боис Тадбиркорлик жамғармаси томонидан кафиллик бериш имкониятлари қўшимча 2 баробар оширилади (ҳозирги кунда 10 триллион сўм).

Натижада камида 15 минг нафар тадбиркорнинг бизнес лойиҳалари учун кредит олишдаги гаров масаласи ҳал бўлади. Тадбиркорларимиз бундан анча чарчаган.

Кредит беришда айланмадаги товарлар, экспорт шартномалари, очилган аккредитивлар ва келгуси тушумлардан ҳам гаров таъминоти сифатида фойдаланиш вақти келди.

Марказий банк (М. Нурмуратов) 1 октябрдан ушбу тизимни барча банкларда жорий этишни таъминласин ва барча тижорат банклари раҳбарлари билан бирга ушбу механизмлар тўлиқ ишлаб кетишига масъул бўлади.

**Учинчи йўналиш.** Кредит бериш, бу – масаланинг бир томони. Бизнес юриб кетиши учун етарли шарт-шароит, инфратузилма ва кафолатли бозор керак.

Шу сабабли, **биринчидан**, туман ва шаҳарларнинг шароитидан келиб чиқиб, бизнес учун алоҳида ёндашувларни жорий этамиз. Масалан, Тошкент вилоятидаги Қибрай тумани билан Оққўрғон тумани, Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани билан Олот туманида бизнесни бошлаш ва юритиш учун шароитлар мутлақо ҳар хил бўлса-да, ҳамма талаб ва ёндашувларимиз бир хил бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун келгуси йилдан шарт-шароити бўйича барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилади. Уларда солиқ, субсидия, кредит фоизлари учун компенсация ва кафиллик бериш, инфратузилмага улаш бўйича алоҳида тартиблар белгиланади.

**Иккинчидан**, бизнес учун барча шароит ва инфратузилмага эга бўлган замонавий саноат зоналарини кўпайтирамиз.

Оддий мисол, бундан 3 йил олдин Тошкент шаҳрида ташкил этилган Технопарк йилига 300 миллион доллар маҳсулот ишлаб чиқариб, 120 миллион доллар экспорт қилмоқда. Бундай технопарклар барча ҳудудларда бўлиши керак. Шу боис ҳар бир вилоятда 100 тадан корхона учун йирик саноат зоналари ташкил этилади. Уларга инфратузилма тармоғи давлат томонидан олиб келинади, бизнес учун ишлаб чиқариш бинолари тайёр ҳолда таклиф этилади, уларни бошқариш учун бу соҳада малакали хорижий компаниялар жалб қилинади, Инновациялар ва инжиниринг маркази ҳамда замонавий лабораториялар ташкил этилади.

Бош вазир ўринбосарлари Ж. Қўчқоров ва Ж. Ходжаев вилоят ҳокимлари билан бирга шу масалалар юзасидан икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида дастурларни тасдиқлаб, амалий ишларни бошласин.

**Учинчидан**, ўтган йили қиймати 200 миллиард сўмдан юқори бўлган лойиҳаларни барча инфратузилма тармоқларига улашни давлат ўз зиммасига олди.

Бу борада тадбиркорларимиздан тушган таклифлардан келиб чиқиб, яна бир имконият яратамиз. Яъни, бундай лойиҳалар бўйича тадбиркорлар инфратузилмага ўз маблағини сарфласа, уларнинг солиқ базаси шунча суммага камайтирилади.

**Тўртинчидан**, биз 2021 йил ноябрь ойида ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича қонун қабул қилдик.

Жараён яқинда бошланганига қарамасдан, ҳозирги кунгача 10 мингга яқин мурожаатлар келиб тушди.

Тадбиркорларимиз учун қўшимча қулайлик яратиш бўйича яна бир таклифим бор.

Хусусийлаштириш учун белгиланган ер солиғининг 20 карраси миқдоридаги тўлов Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 10 каррага (яъни, 1 сотих учун ўртача 6 миллион сўмга), бошқа ҳудудларда 5 каррага (1 миллион сўм) пасайтирилади.

Шу билан бирга, кўплаб тадбиркорларимизни қийнаб келган яна бир масала – амалдаги тартиб бўйича юридик шахс тугатилганида, унинг ерга бўлган ҳуқуқи ҳам бекор қилинмоқда. (Бу тартиб 1998 йилда ўрнатилган ва ўша вақтда ернинг бозор қиймати бўлмаган).

Бундан буён аукционда ер сотиб олган тадбиркор бирор-бир сабабга кўра фаолиятини якунласа, унинг ерга бўлган ҳуқуқи албатта сақланиб қолиши шарт.

**Бешинчидан**, тадбиркорларимизнинг жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун йил якунига қадар қўшимча 10 мингдан ортиқ ер участкалари савдога чиқарилади, аукционга чиқариш муддати амалдаги 80 кундан 30 кунга қисқартирилади, чекка ҳудудларда ерларни аукционга чиқаришда пасайтирилган коэффициентлар қўлланилади, бўш турган объектларни аукцион орқали ижарага бериш муддати амалдаги 1 йилдан 3 йилга узайтирилади.

**Тўртинчи йўналиш.** Тадбиркорларимиздан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласида 1 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган.

Энди хусусий мулкка муносабат мутлақо бошқача бўлади.

**Биринчидан**, бундан буён ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш фақат ва фақат суд тартибида амалга оширилади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳокимларнинг эътиборини бир масалага қаратмоқчиман – мулк ҳуқуқига оид қарорларни улар томонидан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Яъни, ҳуқуқ берувчи ҳужжатни фақат суд ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин бўлади.

**Иккинчидан**, тадбиркорларни қийнаётган яна бир амалиёт – тергов жараёнида мол-мулкни хатлаб қўйиш.

Мисол учун, ўтган 3 йилда терговчилар томонидан аниқланган зарардан икки баробар кўп мол-мулк хатланган (1,5 триллион сўм).

Энди ҳар бир хатловнинг асосли экани суд томонидан кўриб чиқилади, қарорни фақат суд қабул қилади. Ўйлайманки, шундагина адолат бўлади.

**Учинчидан**, тадбиркорларнинг судларга мурожаат қилиш имконияти кенгайтирилади. Бунда уларнинг маъмурий судларга ариза беришида давлат божи ставкаси 2 баробар камайтирилади.

Давлат божи ставкаси даъво миқдорига қараб эмас, балки қатъий суммада белгиланиши шарт бўлади (ҳозирги вақтда даъво суммасининг 2 фоизи миқдорида).

Тадбиркорларнинг солиқ идоралари қарори устидан судга шикоят киритиш муддати ҳозирги 1 ойдан 3 йилга узайтирилади.

Тадбиркорнинг банкдаги ҳисоб рақамидан маблағини унинг розилигисиз кўчириш ёки олиб қўйиш мумкин эмас, ортиқча ундирилган тўловлар ўз вақтида қайтарилиши шарт. Ушбу талабни бузган раҳбарлар учун қонун билан маъмурий ва жиноий жавобгарлик киритишни таклиф қиламан. Бу таклиф тадбиркорларимизга маъқул бўлади, деб ўйлайман.

**Бешинчи йўналиш** – тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалалари билан боғлиқ.

**Биринчидан**, тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинади.

Шунингдек, тадбиркорларга нисбатан мажбуриятлар юклайдиган янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганида, йўл қўйган хатоси учун тадбиркорга 6 ой давомида жазо қўлланилмайди.

Келгуси йилдан 26 та идоранинг такрорланувчи назорат функциялари бекор қилинади.

**Иккинчидан**, кичик бизнес вакиллари томонидан солиқ текширувлари билан боғлиқ жарималарнинг тури кўплиги ва оғирлиги масаласи бўйича жуда кўплаб мурожаатлар келиб тушди.

Мисол учун, бугунги кунда айланмадан солиқ тўлаётган 370 мингдан зиёд кичик тадбиркорларнинг солиқ бўйича ўртача ойлик тўлови 1 миллион сўм атрофида. Лекин, касса чеки бермагани учун 5 миллиондан 10 миллион сўмгача молиявий, шунингдек, 3 миллиондан 12 миллион сўмгача маъмурий жарима солинади. Яъни, кичик тадбиркорлар учун ҳам, йирик корхоналар учун ҳам жазо бир хил.

Умуман, савдо соҳасида фаолият кўрсатадиган тадбиркорларимизни қарийб 30 йилдан бери қийнаб келадиган муаммо ҳам ечилади, яъни, савдо қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик тўлиқ бекор қилинади (Жиноят кодексининг 189-моддаси).

Биринчи марта хато қилган кичик бизнес вакилларига жазо чораси қўлланилмайди. Бунинг ўрнига камчиликларни бартараф этишга солиқ идоралари кўмакчи бўладиган тизим жорий этилади.

Жарималар миқдори ҳам тадбиркорларнинг тўлаётган солиғидан ошиб кетмаслиги керак.

Бизнес-омбудсман (Д. Қосимов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Қудбиев) икки ой муддатда ушбу енгилликлар бўйича қонун лойиҳасини киритсин.

**Учинчидан**, 1 ноябрдан ҳар қандай текширишлар фақат ва фақат Бизнес-омбудсманда янги ишга тушириладиган электрон платформа орқали амалга оширилади.

Барча турдаги текширувлар Бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлаштирилиши керак.

Умуман, адлия вазири Р. Давлетов, Бизнес-омбудсман Д. Қосимов икки ой муддатда тадбиркорларнинг таклифларини чуқур ўрганиб, текширувларнинг муддатларини қисқартириш, молиявий хато ва камчиликларнинг минимал чегаравий миқдорини белгилаш, текширув жараёнларидан тадбиркорни хабардор қилиш ва шикоятларни очиқ-ошкора кўриб чиқиш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Шу билан бирга, 1 октябрдан бошлаб солиқ низоларини ҳал қилиш бўйича Солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг қўшма Апелляция кенгаши ташкил қилинади. Кенгашга Аудиторлар ва Солиқ маслаҳатчилари палаталари, Бухгалтерлар ассоциацияси вакиллари, тадбиркорларни ҳам киритиш керак бўлади.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Бугун билдирилган ташаббуслар ижросини ташкил этиш бўйича ҳам янги тизим, бизнес билан чинакам ҳамкорликда ишлайдиган муҳит шакллантиришимиз лозим. Бунинг учун туман ва шаҳар марказларида Тадбиркорлар хиёбонларини ташкил этишни таклиф қиламан.

Бу ерда тадбиркорлар, банк вакиллари, инвесторлар учун бизнес лойиҳаларини муҳокама қиладиган муҳит пайдо бўлади, B2B, коворкинглар учун қулай шароитлар, Wi-Fi зоналар бўлиши керак. Туман, шаҳар фаол тадбиркорларининг эришган натижалари йил давомида "Фаровонлик бунёдкорлари" кўргазмаларида намойиш этилса, биласизларми, уларнинг шижоати ва кайфияти қандай кўтарилади!

Шунингдек, ўн нафар шогирд тадбиркор тарбиялаган бизнес вакилларига алоҳида солиқ имтиёзларини жорий этамиз.

Ҳақиқатан ҳам, агар тадбиркор шогирдлар тайёрласа, улар ўз бизнесини бошлаб, иш ўринлари яратса, биз берган солиқ имтиёзи ўн карра бўлиб қайтади.

Шу ўринда яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бизда қурувчи, маданият, таълим каби соҳа вакиллари учун фахрий унвонлар мавжуд. Лекин, Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишга энг катта ҳисса қўшиб келаётган заҳматкаш тадбиркорларнинг бу борада эътибордан четда қолгани – адолатдан эмас.

Шу боис кўп иш ўринлари яратган, бизнеснинг янги йўналишларини йўлга қўйган, ўз соҳасида инновация ва ислоҳотлар қилган ва эл-юрт орасида обрў топган бизнес вакилларини муносиб эътироф этиш учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор" фахрий унвонини таъсис этишни таклиф қиламан.

Энди Савдо-саноат палатасининг иш фаолияти ҳам тубдан ўзгаради. Авваламбор, Палатанинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини жонлантириш лозим.

Бундан буён улар туман, шаҳар тадбиркорларини бирлаштириб, уларни қийнаётган муаммо ва масалаларни аниқлаш билан амалда шуғулланади. Шунингдек, улар ҳар бир туман ва шаҳарда илғор методикалар асосида бизнесга ўқитиш мактабларини ташкил қилади. Шу билан бирга, уларга ҳокимлар ва бошқа ҳудудий раҳбарларга кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ваколати берилади. Айни вақтда маҳаллий кенгашлар ва ҳокимлар билан ҳар ой камида икки марта танқидий муҳокамаларни ўтказади.

Шу билан бирга, Савдо-саноат палатасининг ўзига ҳам Ҳукуматга кўриб чиқиши мажбурий бўлган масала киритиш, тадбиркор манфаатини кўзлаб Олий судга ариза бериш ҳамда иқтисодий, маъмурий ва жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриб чиқиш юзасидан шикоят киритиш ваколатлари берилади.

Савдо-саноат палатаси Ҳукумат бўйсунувидан тўлиқ чиқарилади. Яъни, Палата бундан буён тадбиркорлар манфаатининг чинакам ҳимоячисига айланади.

Барча тадбиркорларни кенг қамраб олиш мақсадида кичик ва ўрта тадбиркорлар Палатага аъзолик бадали тўлашдан бутунлай озод этилади. Бунинг ўрнига Палатага ҳар йили бюджетдан маблағлар ажратамиз.

Шу билан бирга, Бизнес-омбудсманга тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича барча ваколатларни берганмиз. Энди унинг ҳам иш тизими ўзгаради.

Бизнес-омбудсман очиқ мулоқот ёки бошқа Президент тадбирини кутмасдан, 1 январдан тадбиркорлар мурожаатларини 24 соат қабул қиладиган крауд-сорсинг платформаси – Тадбиркор виртуал офисини ишга туширади.

Ушбу тизим орқали Бизнес-омбудсман тадбиркорларнинг мурожаатларини қабул қилади, ижросини назорат қилади ва тадбиркорлар ҳуқуқларини бузганларни жазолайди.

Юқорида айтилган барча таклифларни амалга ошириш учун Президент ҳузурида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик кенгаши тузилади.

Президент Администрацияси раҳбари С. Умурзоқов икки ҳафта муддатда ушбу Кенгаш ишини ташкил этсин.

Ҳурматли очиқ мулоқот иштирокчилари!

Бугун сизлар билан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга оид кўпгина масалаларни муҳокама қилиб, уларнинг ечими бўйича вазифаларни белгилаб олдик.

Албатта, уларни амалга ошириш учун барчамиз биргаликда ҳали кўп ишлашимиз керак. Айниқса, сиз, ҳурматли бизнес ҳамжамияти вакилларидан бундан-да фаол, ташаббускор бўлиш, жойларда маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кучайтириш талаб қилинади.

Ўзгаришлар ҳеч қачон осон кечмайди, буни ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ушбу машаққатларга арзийди.

Ишончим комил, етарли билим ва тажрибага эга, азму шижоатли тадбиркорларимиз ушбу соҳа олдида турган вазифаларни самарали бажаришда бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларини сафарбар этадилар.

Биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ғоят муҳим ва ҳал қилувчи босқичга қадам қўймоқдамиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, инновацион фикр ва ёндашувингиз бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва бу борада сизлар барча соҳа вакилларига ўрнак бўлишингизга ишонаман.

Сиз, азизларни Тадбиркорлар куни билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда улкан зафарлар, оилангизга бахт, хонадонингизга файзу барака тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
**31 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИЧА БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ



**Ботир ЗАКИРОВ,**
Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири.

**Замонавий ва муҳташам уйлар, қулай инфратузилма. Одамларнинг эмин-эркин ва тўкис ҳаёт кечириши учун яратилган шарт-шароитлар. Бугун "Янги Ўзбекистон" массивларига шундай таъриф берсак арзийди. Зотан, шахсан давлатимиз раҳбари ғояси ва ташаббуси билан бунёд этилаётган бундай массивларда инсон манфаати, унинг қадри ҳар нарсадан устун экани намоён бўлади.**

Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришни кўзлаган мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг бир қисми бўлган ушбу бунёдкорлик жараёни барчамиз учун энг улуғ ва азиз байрам – мустақиллигимизнинг 31 йиллиги шиори бўлган **"Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз"** деган ғояга тўла мос келади. Бинобарин, элини, одамларини азиз билган, қадрлаган юртда бундай эзгу мақсадли ҳаракатлар ҳеч қачон тўхтамайди. Аксинча, янги кўриниш, янгича руҳ ва кайфият, янги куч ва ғайрат асосида изчил давом эттирилаверади.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони соҳадаги ишларни юқори босқичга олиб чиққан ҳужжатлар сирасидан бўлди, десак айни ҳақиқат.

Чунки ушбу фармон туфайли ўша йилнинг ўзидаёқ Фарғона вилоятининг Бағдод туманида илк тамал тоши қўйилган "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши жорий йилга келиб янада кенгайди. Бошқача айтганда, яхши ният, эзгу мақсад кўлами бутун юртимиз бўйлаб ёйилди.

"Янги Ўзбекистон" массивларида кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда қурилмоқда. Бунда кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ости ер участкалари тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида реализация қилинади.

Кўп қаватли уй-жойларга туташ ер участкалари уй-жой қуриб битказилганидан кейин маҳаллий ижроия ҳокимлик органи тегишли қарори билан кўп қаватли уй-жой мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиб берилади. Массивларда ташкил этиладиган ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун ер участкалари тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда электрон онлайн аукцион орқали мулк ва ижара ҳуқуқлари асосида реализация қилинади. Пировардида, биргина жорий йилнинг ўзида 29 та маҳаллада 21 минг 312 хонадонли 619 та уй қад ростлайди. Улар атрофида 18 та умумтаълим мактаби, 24 та мактабгача таълим ҳамда 15 та тиббиёт муассасаси барпо этилади. Демак, "Янги Ўзбекистон" массивларида яшовчи аҳоли учун бирламчи зарур инфратузилмалар шу ернинг ўзида муҳайё этилади.

Бир сўз билан айтганда, "Янги Ўзбекистон" массивлари комплекс ривожланиш тамойили асосида барпо этилмоқда. Бу давлатимиз раҳбари томонидан такрор-такрор айтилаётган жиҳат ва биз, қурувчилардан ҳам шу нарса талаб қилинмоқда. Айтиш керакки, жорий йилдан бошлаб цемент ишлаб чиқарувчилардан фойда солиғи 20 фоиздан 15 фоизгача, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ 2 баробар камайтирилгани, шунингдек, цемент импорти учун имтиёзлар муддати яна бир йилга узайтирилгани уйлар нархи сезиларли тушишига сабаб бўлади.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили 300 мингга яқин никоҳ қайд этилади. Келгуси беш йилда аҳоли сони 38 миллионга етиши кутилмоқда. Шулар инобатга олинган ҳолда, уй қуриш кўлами кенгайтириб борилиши диққатга сазовордир. Ҳар бир ҳудудда барпо этиладиган "Янги Ўзбекистон" массивлари ҳам бунда муҳим ўрин тутади, албатта. Келгуси беш йилда шундай массивларда 250 мингдан зиёд оила уй билан таъминланади. Бундан кўринадики, Президентимиз томонидан қурилиш-бунёдкорлик соҳасига катта эътибор қаратилаётгани, хусусан, "Янги Ўзбекистон" массивларини бунёд этиш жараёни жиддий назорат қилиниб, одамларга ҳар томонлама маъқул этиб қуриш талаби қўйилаётгани мамлакатимизда инсон манфаати нақадар улуғ ва у ҳар қанча эҳтиромга лойиқ эканидан далолатдир. Зотан, уй – ватан ичида "кичик ватан". Одамлар Ватанида эркин ва бахтли ҳаёт кечиришга ҳақлидир.

## ДАВРГА МОС РИВОЖЛАНАЁТГАН СОҲА

Мамлакат тараққиётини белгиловчи омиллар кўп. Шулар орасида қурилиш соҳасининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Зеро, тинч-осойишта, жадал ривожланаётган ва мақсаду марраларни юқори олган, келажакни ўйлаган давлатдагина бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратилади. Шукрки, Ўзбекистон шундай мамлакат. Бундай эзгу мақсадли ишларнинг бошида давлатимиз раҳбари турибди.

Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида, шаҳар марказларида катта-катта иморатлар барпо этиляпти. Қурилиш соҳасидаги бу жараён нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартирди, балки одамлар ҳаётига ўзгача мазмун-моҳият бағишламоқда. Айниқса, аҳолини арзон ва қулай турар жойлар билан таъминлаш бўйича мақсадли дастурлар доирасида намунали кўп қаватли уйлар, маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий объектлар қуриляптики, булар ён-атроф инфратузилмасини яхшилашга ҳам хизмат қиляпти.

Президентимизнинг тегишли фармони асосида 2017 йилдан бошлаб август ойининг иккинчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни сифатида нишонлаб келинаётгани эса нафақат соҳа ходимлари меҳнатини қадрлаш, балки тармоқдаги ислоҳотлар бардавом эканидан далолатдир.

Кейинги йилларда юртимизда кўплаб уй-жойлар, таълим муассасалари, шифохоналар, йирик заводлар, йўллар ва кўприклар қурилди. Соҳа учун зарур ашёларни ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти. Натижада қурилиш жараёни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминланяпти. Ваҳоланки, илгари бундай имкониятлар йўқ эди.



Бундан тўрт-беш йил аввал мамлакат бўйлаб замонавий "сити"лар қурилади, деса ҳеч ким ишонмасди. Мана, бугун нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам замонавий шаҳарчалар бунёд этилди ва бу жараёнлар давом этяпти.

Бугун ҳар бир вилоятда шундай улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Булардан англаш мумкинки, Ўзбекистонда йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, осмонўпар биноларни тез ва сифатли барпо этишга қодир бўлган қурилиш индустрияси шаклланди, соҳа ходимларининг тажрибаси, малакаси юксалди. Хуллас, Янги Ўзбекистоннинг қурилиш тизими янги даврга мос ривожланиб бормоқда.

Статистикага кўра, мамлакатимизда қурилиш ишлари қиймати 2010 йилда 8,2 триллион, 2012 йилда 11,7 триллион, 2014 йилда 20,1 триллион, 2016 йилда 29,4 триллион, 2018 йилда 51,1 триллион, 2020 йилда 88,1 триллион сўмдан иборат бўлган бўлса, жорий йилнинг май ойи якунлари бўйича 45 триллион сўмни ташкил этди. Демак, бугунги кунда юртимизда бунёдкорлик ишлари кўлами йил сайин кенгайиб, архитектура ва қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бирига айланиб бормоқда.

Булар ҳаммаси эмас. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли юз бераётган ўзгаришлар ҳам ўзгача.

"Обод қишлоқ" дастури доирасида аҳволи оғир 413 та маҳалланинг бош режаси ишлаб чиқилмоқда. Бунда илк бор шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун хусусий лойиҳа ташкилотлари жалб қилинди. 2023-2027 йилларга мўлжалланган шаҳар, қишлоқ ва овулларнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича вилоят ҳокимликлари томонидан тасдиқланган рўйхат асосида дастур шакллантирилди. Дастур асосида 18 та шаҳар бош режасига тузатиш киритиш, 228 та шаҳарча, 200 та мастер режа ва 465 та қишлоқ (овуллар) аҳоли пунктининг бош режалари билан бирга батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

## ЖАДАЛ ЎСИШ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШИШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Қурилиш соҳаси замонавий ёндашувлар асосида жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Шу маънода, сўнгги йилларда қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Президентнинг 22 та ҳужжати ва ҳукуматнинг 21 та қарори қабул қилингани диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, Шаҳарсозлик кодекси янги таҳрирда қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 27 ноябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди. Стратегияда: **"... Инсон яшаш фаолиятининг хавфсиз ва қулай муҳитини шакллантириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Қурилиш тармоғи иқтисодиётнинг барча соҳалари моддий-техник базасини яратишда ҳамда аҳолининг шинам уй, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаси хизматлари, шунингдек, маданий ҳордиққа бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди. Қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакат, минтақалар ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш мақсадида инновациялар, инвестициялар, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали тармоқ салоҳиятини оширишга йўналтирилган",** деган жумлалар мавжудки, шунинг ўзидан кейинги беш йилда мамлакатимиз қурилиш соҳаси йўналишини, унинг мақсад-муддаоларини билиб олиш қийин эмас.

Ушбу ҳужжатлар доирасида қатор чора-тадбирлар ва ислоҳотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди ҳам. Мисол учун, қурилиш соҳасида буюртмачи ва инжиниринг хизматлари фаолиятини такомиллаштиришда янги механизмларни жорий қилиш ҳамда буюртмачи хизматлари фаолиятини тартибга солиш мақсадида "Республикада капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, ижтимоий соҳа вазирликлари ҳузуридаги буюртмачи хизматларини тугатиш ҳисобига ҳокимликлар ҳузуридаги инжиниринг компаниялари фаолиятини ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Қурилиш объектларида сифат назорати ҳамда объектлар белгиланган муддатларда топширилишини тартибга солиш мақсадида қурилиш объектларида техник назоратни амалга ошириш учун хусусий секторни жалб қилишга рухсат берилди.

Қурилишни лойиҳалаштириш ҳамда лойиҳа ҳужжатлари экспертизаси жараёнлари қайта кўриб чиқилиб, шаффоф электрон тизимга ўтказилди. Мазкур ишлар вазирлик ҳузуридаги "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди. Натижада экспертизага лойиҳа-смета ҳужжатлари онлайн топшириляпти. Яъни бугунга қадар жами 45 мингга яқин объект лойиҳаси ушбу тизим орқали экспертизадан ўтказилиши туфайли 11 триллион сўмдан ошиқ маблағ тежаб қолинди. Экспертиза йўналишида фаолият юритувчи юридик шахсларга гувоҳнома бериш орқали тизимда рақобат муҳити яратилди.

Объектларнинг мураккаблик тоифасидан келиб чиқиб, экспертиза хулосаси бериш тизими табақалаштирилди. Табақалашган тоифадаги лойиҳаларга хулоса бериш учун экспертиза ташкилотлари электрон рейтинги йўлга қўйилди. Экспертларни аттестациядан ўтказиш ва мураккаблик тоифаси бўйича лойиҳаларга табақалашган ҳолда хулосалар бериш механизми яратилди.

Вазирлик ва идоралар тасарруфида фаолият юритаётган шаҳарсозлик йўналишидаги соҳавий экспертиза ташкилотлари фаолияти тугатилиб, ушбу йўналишдаги функция ва вазифалари "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУКга ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, бу каби бўғинлар Автомобиль йўллари қўмитаси, Сув хўжалиги ва Энергетика вазирликлари тизимида мавжуд.

Шунингдек, объектларнинг лойиҳа-смета ва тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда ортиқча жараён, бўғин ва харажатларни қисқартириш мақсадида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК томонидан комплекс экспертизадан ўтказиш амалиёти бекор қилинади.

Қолаверса, шаҳарсозлик ва лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар рейтингини юритиш тўғрисида низом лойиҳаси ишлаб чиқилдики, бу амалиёт ҳам бир қатор афзалликларга эга. Хусусан, мазкур лойиҳа билан экспертиза ташкилотлари ва эксперт мутахассислар рейтингини юритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланмоқда.

Жорий йилнинг тўртинчи чорагидан бошлаб "Қурилиш ресурслари миллий классификатори"ни тегишли давлат органлари, ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар маълумотлар базаларига интеграция қилиш орқали "Моддий-техника ресурсларининг жорий нархлари электрон каталоги" яратилади. Бунда Давлат солиқ, божхона ва статистика қўмиталари, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Товар- хомашё биржаси каби тегишли вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базасига интеграция қилиш натижасида қурилиш материаллари нархи оператив равишда шаклланишига эришилади. Шу билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларни электрон каталог ҳамда классификаторга боғлаш орқали уларнинг ҳам жорий нархлари шакллантирилади.

Қурилишда назорат ўта муҳим. Шу боис, соҳада назорат тизимини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қурилиш ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тугалланган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича янги регламент қабул қилиниши, камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаган тақдирда ҳудудий инспекцияларга пудрат ташкилотини тўғридан-тўғри жаримага тортиш ваколати берилгани, объектларда "Қурилиш назорати" ахборот тизими жорий қилингани шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир. Бугунги кунга қадар ушбу тизим орқали 26 мингдан зиёд объект назоратга олинди. Бундан ташқари, "Қурилишда давлат назорати" ахборот тизими ҳам такомиллаштириляпти.

"Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими ҳамда "Давлат шаҳарсозлик кадастри" географик ахборот тизимлари – геопортал ишга туширилди.

Бугунги кунда геопорталга жами 825 та шаҳарсозлик ҳужжати (214 та бош режа, ҳудудларни архитектуравий режалаштиришни ташкиллаштиришга қаратилган 595 та лойиҳа, 16 та ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳалари) киритилган бўлиб, фуқаролар, тадбиркорлар бевосита унга кирган ҳолда ушбу шаҳарсозлик ҳужжатлари билан эркин танишиши мумкин. Ҳар йилги манзилли дастурлар асосида ишлаб чиқилиб, тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари босқичма-босқич "Геопортал" ахборот тизимига киритиб борилади. Қурилиш вазирлиги томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларининг якуний маълумотлари ҳам геопорталда акс эттирилмоқда. Бунинг натижасида кўрсатилаётган давлат хизматларининг ўзаро уйғунлиги таъминланяпти ҳамда "Лойиҳалар реестри", "Шаҳарсозлик фаолияти объектлари реестри" ва "Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари реестри" автоматик тарзда шакллантирилмоқда.

"Давлат кадастрлари ягона тизими" ва "Давлат шаҳарсозлик кадастри геоахборот тизими" геопортали ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинувини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими негизида "Тендер" платформаси ишлаб чиқилди, шунга асосан давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинди. Тендер электрон платформаси шуниси билан эътиборга моликки, у танловдан инсон омилини бартараф этади. Тизим ташкилотлар рейтинги асосида ва уларнинг тижорат таклифини автоматик равишда баҳолаган ҳолда ижрочи ташкилотни аниқлайди. Ушбу тизим орқали ҳозиргача жами 9 минг 461 та тендер ўтказилиб, оптимал таклифларни танлаш натижасида объектлар бўйича 1,17 триллион сўм тежаб қолинди. Келгусида лойиҳа ташкилотларини ҳам ушбу платформа орқали аниқлаш тизимига ўтилади.

Жорий йилдан бошлаб қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги тизимини такомиллаштириш юзасидан рейтингни аниқлаш мезонларидаги 60 та кўрсаткич қайта кўриб чиқилиб, 39 тага камайтирилган эди. Лекин янада шаффофлик ва ҳаққонийликни таъминлаш мақсадида мезонлар яна камайтирилиб, 32 тага туширилди. Бунда асосий эътибор қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базасига қаратилди.

Шу билан бирга, шаҳарсозлик фаолиятини лицензиялаш ҳам электрон тизим асосида амалга оширилмоқда. Натижада вазирликка келмасдан лицензия олиш имкони яратилди. Бу эса коррупция омилларини кескин чеклайди. Соҳада кўрсатиладиган 6 турдаги давлат хизматлари тўлиқ электронлаштирилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. 2022 йил 21 январдан бугунга қадар ушбу тизим орқали мазкур хизматлар бўйича 122 мингдан ортиқ ариза кўриб чиқилиб, ҳал этилган.

## БИЛИМЛИ ВА ТАЖРИБАЛИ КАДРЛАР ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Қурилиш ишлари тобора кенгайиб бориши, табиийки, билимли, тажрибали лойиҳачилар, архитекторларга талабни оширади. Шунинг учун ҳозирги кунда қурилиш соҳасига янги, инновацион маҳсулотларни жалб этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, яқинда Қурилиш вазирлигида бош архитектор лавозими жорий қилиниб, унга вазирнинг биринчи ўринбосари мақоми берилгани диққатга сазовор. Шунингдек, вилоятларда "лойиҳа офислари" очилиб, уларга ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва вилоят бош архитектори масъул бўлади.

Ҳозирги кунда қурилиш соҳасидаги иккита асосий олий таълим муассасаси – Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш институтлари вазирлик тизимига ўтказилган. Уларни ТОП рейтингга киритиш ва янги тизимда ўқитишни ташкил этиш мақсадида туркиялик мутахассислар ректор этиб тайинланган.

2017 йилда мазкур институтларга 3 мингга яқин абитуриент қабул қилинган бўлса, 2021 йилда қабул сони 4 мингдан ошди. Ўтган ўқув йилида институтларни 2 мингдан ортиқ бакалавр, 260 нафар магистр битириб, қурилишнинг турли йўналишларида фаолият юритмоқда.

Бу ўқув даргоҳларида Германия, Польша ва Россия университетлари билан ҳамкорликда 6 та хорижий қўшма таълим дастури ишлаб чиқилган бўлиб, улар бўйича 200 га яқин талаба ҳамкор университетларда ўқимоқда.

Умуман, айни пайтда вазирлик таркибида 12 та техникум ва 2 та коллеж фаолият кўрсатмоқда. 425 та қурилиш ташкилотида ўқувчилар амалиёти ташкил этилди.

Ўтган ўқув йили давомида профессионал таълим муассасаларида 25 та касб ва мутахассислик бўйича 2050 ўқувчи ўқишни тамомлаб, қурилишнинг турли йўналишлари бўйича мутахассис-кадрлар бўлиб етишди. Вазирлик таркибидаги техникумлар ҳузурида қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш бўйича 9 та марказ ташкил этилди. Уларнинг ҳар бири бир мавсумда 16 та касб бўйича 300 ишсизни касбга тайёрлаш имконини бермоқда. Институтлар ҳузурида архитектура ва қурилиш соҳаси ходимлари малакасини ошириш курслари ҳам йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2020 йил 31 декабрдаги қарорига мувофиқ, ҳудудларда вазирлик тизимидаги профессионал таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ҳамда юқори малакали мутахассислардан фойдаланган ҳолда Малакани баҳолаш марказлари ташкил этилмоқда. Мазкур марказлар меҳнат бозорида талаб этилган касб компетенцияларини баҳолайди. Тизимдаги олий таълим муассасаларида таълим жараёнини халқаро андозаларга мослаштириш ҳамда миллий ва халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаш мақсадида институтларни трансформация қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Яъни яқин келажакда институтларга университет мақоми берилиб, уларнинг ташкилий тузилмаси халқаро андозалар намунасида такомиллаштирилади. Университетлар ҳузурида технопарк, Инкубация маркази, Ёш архитектор ва муҳандислар маркази, Технологиялар трансфери офиси ҳамда Илмий тадқиқотлар марказлари фаолияти йўлга қўйилади. Университетда Олий илм-фан мактаби (магистратура, докторантура ва илмий даражалар берувчи кенгашлар) фаолияти хорижий тажриба асосида ташкил қилинади. Уларнинг академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий соҳаларда мустақиллиги таъминланади. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб университетларга кириш имтиҳонлари халқаро стандартларга асосланган ҳолда, йилда икки марта ўтказилади. Яна ўша ўқув йилдан эътиборан "Рақамли университет" тизимини босқичма-босқич жорий этишга киришилади.

Мақоламиз дебочасида қайд этганимиздек, одамларга обод ва фаровон ҳаёт тарзини яратиш мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг энг устувор мақсади ҳисобланади. Жойларда қад ростлаётган ижтимоий объектлар, турар жойлар, пайдо бўлаётган янги-янги мавзелар бунинг яққол мисолидир.

Янгиланиш, ўзгариш қайси соҳада бўлмасин, инсонга хизмат қилиши шарт. Қурилиш саноати ва соҳасидаги бугунги ишлар ана шу мақсадларга йўналтирилгани билан биз, соҳа ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклайди.

*("Янги Ўзбекистон" газетасидан олинди).*

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# Бош прокуратура масъуллари билан учрашув

**Қурилиш вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъуллари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда "Шаффоф қурилиш" дастурий мажмуаси, бунда вазирлик томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари, уларнинг тартиб ва қоидалари ҳақида тушунчалар берилди. Хусусан, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби, қурилиш пудрат ташкилотларининг рейтинги ва уни шакллантириш меъёрлари ҳақида мулоҳазалар билдирилди.**



Иштирокчиларга шунингдек, тендер ўтказиш жараёнлари ва тартиб-таомиллари ҳам таништирилди. Мулоқотда соҳага татбиқ этилаётган ахборот-коммуникация технологияларининг зарурати ва аҳамияти амалий мисолларда изоҳлаб берилди.

Келгусидаги режалар ҳақида фикр алмашилган тадбир давомида меҳмонлар "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими марказини ҳам кўздан кечирдилар. Бу ерда соҳага жорий этилаётган инновацион технологиялар иштирокчилар эътибор марказида бўлди.

# Миллий ахборот тизимидан фойдаланиш тартиби тушунтирилмоқда





**Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган "Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича ўқув амалий семинарлар юртимизнинг барча ҳудудий инспекцияларида бўлиб ўтмоқда.**

Хусусан, Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида "Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизимида ишлаш кўникмаларини кучайтириш юзасидан семинар ташкил этилди. Бундан ташқари, мазкур миллий ахборот тизими, унда яратилган имкониятлар, фойдаланиш тартиби юзасидан ҳудудий инспекциянинг қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими ходимлари иштирокида ҳафта давомида ўқув-семинарлари ташкил этилди. Тадбирлар давомида барча имкониятлар кўриб чиқилиб, семинар иштирокчилари ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини баён қилишди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоблар олишди.

"Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизими бўйича навбатдаги семинар Жиззах вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан Жиззах шаҳар, Шароф Рашидов, Зарбдор, Бахмал туманларида фаолият олиб борувчи шаҳарсозлик субъектлари учун ташкил этилди. Семинар давомида иштирокчиларга янги тизим фаолияти, унинг афзалликлари, ундан фойдаланиш тартиби бўйича атрофлича тушунтириш берилди.

Худди шу мавзудаги семинар Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан Ургут ва Қўшработ туманларида, Бухоро ва Навоий вилоятларида, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ҳокимлиги мажлислар залида Шаҳрисабз шаҳар, Яккабоғ туман ва Китоб тумани лойиҳачи, техник назоратчи ва пудрат ташкилотлар вакиллари, Қамаши туман прокуратураси мажлислар залида Қамаши туманидаги лойиҳачи, техник назоратчи ва пудрат ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳам бўлиб ўтди.

Айни пайтда барча ҳудудларда янги тизим бўйича шу каби ўқув амалий семинарлар давом эттирилмоқда.

# Тадбиркорнинг инновацион лойиҳаси барчага маъқул

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурида қурилиш соҳаси ходимлари олдида бажарилиши керак бўлган катта ишлар турибди. Ислоҳотлар қўяётган талаблар бўйича бунёдкорлар ўз соҳасининг ҳадисини олишган ва фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида ҳар бир ишни пухта бажаришяпти.**

Таъкидлаш керакки, йиллар давомида ўзининг уй-жойи, Ватан ичра ватани бўлишини орзу қилиб келган кишилар давлатимизнинг эътибори туфайли ҳар жиҳатдан қулай, барча шароитларга эга замонавий уй-жойларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашмоқда.

Шу ўринда ён-атрофи ободонлаштирилган ва замонавий ландшафтга эга бўлган уйлардан фойдаланиш даражаси талабга мосми, деган савол ҳам йўқ эмас. Зеро, "Ўз уйингни ўзинг асра", деган гап бежизга айтилмаган. Унинг мазмун-моҳияти жуда кенг бўлсада, айримлар ҳануз мағзини чақмаган кўринади. Шунинг учун ҳам қуриб фойдаланишга топширилганига ҳеч вақт бўлмаган баъзи кўп квартирали турар жойларнинг атрофи, кириш йўлаклари ва болалар майдончалари, қаватларга кўтарилиш зиналари турли хилдаги чиқиндилар ташлангани туфайли кўркамликка путур етказяпти.

Бундай ҳолатни юртимиздаги исталган туман ва шаҳарлардаги янги қурилган айрим кўп қаватли уйлар мисолида кузатиш мумкин. Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги уй-жой мулкдорлари мутасаддиларининг айтишларича, бир-бирига яқин жойлашган ҳар тўртта кўп квартирали уйлар учун алоҳида чиқинди тўплаш жойлари ташкил қилинган бўлсада, кўпчилик оила бошлиқлари фарзандларига ишониб, хонадондан чиққан чиқиндини ташлаб келишни буюришади ва ўзлари назорат қилишмайди. Ўйинқароқ болалар эса уни хоҳлаган жойга ташлаб кетаверишади. Чиқинди ташишга мўлжалланган техникалар камлиги туфайли ҳар куни икки марта бир чиқиндихонани тозалашга ҳамда хизматчиларни бир жойга бириктиб қўйишга имкон бўлмайди.

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ муаммони бартараф қилишда туманда яшовчи ёш тадбиркор Бахтиёр Солижонов ташкил этган "Мангу юксалиш" масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқаришга татбиқ қилган лойиҳаси кўп қаватли уйларни бошқаришнинг инновацион ечимларини бартараф этишда барчага маъқул келмоқда. Тадбиркорнинг эътироф этишича, айни пайтда замонавий дизайн ва экологик самарадорликка эга бўлган ўндан ортиқ турдаги маиший чиқинди контейнерларини тайёрлаш йўлга қўйилган. Сўнгги ойлардаги изланишлар туфайли корхонада маиший чиқиндиларни ташиб кетишга мўлжалланган электро-мотороллерлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ихчам техника кўп қаватли уйлар орасидаги тор йўлакларда ҳам бемалол ҳаракатланиб, ўзидан ёқимсиз ҳид ва муҳими, товуш чиқармайди.

Айтиш лозимки, тадбиркор Бахтиёр Солижонов битта лойиҳа билан чекланиб қолгани йўқ. Инновацион изланишларни давом эттириб, яқинда яна бир лойиҳани ишга туширди. Яъни, авариявий ҳолатларда зарур бўладиган таъмирлаш-созлаш асбоб-ускуналарини кўп қаватли уйлар орасига олиб боришни йўлга қўйиш учун ҳам махсус жиҳозланган электро-мотороллерлар ҳам ишлаб чиқара бошлаган. Мазкур лойиҳалар эндиликда Фарғона вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Дастлабки синов Бағдод туманидаги Гулистон шаҳарчаси ҳудудида ўтказилди. Инновацион лойиҳа бўйича тайёрланган маҳсулотлар Мустақиллик байрамининг 31 йиллиги шарафига бўлиб, яқин кунларда вилоятдаги мавжуд 48 та уй-жой бошқаруви компанияларига етказиб берилиши режалаштирилгани билан эътиборга лойиқдир.

# Ўзини ўзи банд қилганлар эътиборда



**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Тадбиркорликнинг мамлакат ривожи йўлидаги аҳамияти катта. Тадбиркор солиқ тўловчи, иш берувчи ва янгилик киритувчи сифатида давлат ислоҳотларининг ўзгармас таянчи ўлароқ қабул қилинади. Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ўзгаришлар бевосита уларни рағбатлантириш ортида юзага чиқмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятида ишбилармонликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.**

2021 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 852 мингдан ортиқ ўзини ўзи банд қилганлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 310 минг нафардан зиёдроғи ёшлардир. Ўз-ўзини банд қилганлар – ўз ишини ўзи топиб, уни бажариш орқали даромад кўрадиган жисмоний шахслардир. Репетиторлар, энагалар, сантехниклар, электрчилар, сартарошлар, курьерлар, автомобиль ювувчилари, ҳунармандлар, фаррошлар, тикувчилар, дастурчилар ва яна кўплаб касб эгалари ўзини ўзи банд қилувчилар бўлишлари мумкин. Самарқанд вилоятида ишбилармонликни рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳаларда мазкур табақа вакиллари алоҳида ўрин тутмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 7 ойида Самарқанд вилоятида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида тижорат банклари томонидан 20 мингдан ортиқ лойиҳага 483,5 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Ажратилган кредитларнинг 56,9 миллиард сўми ёки 12 фоизи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга, 426,6 миллиард сўми ёки 88 фоизи ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга ажратилган. Бунда асосий эътибор аҳолини қўшимча даромад манбаларига эга бўлишига ҳамда кафолатланган янги иш ўринларини яратишни назарда тутувчи тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилди.

Кредитларнинг 92,9 фоизи ёки 449,2 миллиард сўми "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури, 7,1 фоизи 34,3 миллиард сўм бошқа дастурлар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу маблағларнинг 194,5 миллиард сўми хотин-қизлар тадбиркорлиги, 184,5 миллиард сўми ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган. Ажратилган кредитлар бўйича ишлаб чиқаришга 18,8 миллиард сўм, чорвачилик учун 92,4 миллиард сўм, иссиқхонага 41,9 миллиард сўм, тикувчилик учун 41,6 миллиард сўм, хизмат кўрсатишга 193,9 миллиард сўм ҳамда боғдорчилик, балиқчилик бошқа йўналишларга 94,9 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган.

Айтиш керакки, тадбиркорликнинг айрим турлари аввалдан мақбул кўринишларга эга эди. Нисбатан янги тадбиркорлик тури ҳисобланган ўзини ўзи банд қилиш фаолияти сўнгги йилларда доимий эътиборда бўлиб келинаётгани амалда аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватловга муҳтож қатламлари учун иқтисодий кўмак бўлмоқда.

# BIM технологиясидан фойдаланишнинг аҳамияти



**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Яқинда бир танловни ёритиш учун борганимда, иштирокчиларнинг тақдимотини кузатиб, бошқалар қатори мен ҳам ҳайратга тушдим. Тақдимотда келтирилишича, BIM технологияси ёрдамида эндиликда нафақат лойиҳаланаётган бинони шунчаки 3Д ёки архитектура чизмасини кўриш, балки виртуал равишда бинони бемалаол "саёҳат" қилиш ҳам мумкин экан. Бугун қурилиш санаоати жадаллик билан ривожланмоқда. Бунда қурувчи ва лойиҳачиларнинг замонавий технологиялардан самарали фойдаланаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўляпти. BIM технологияси ҳам айни пайтда қурилиш соҳасига татбиқ этилаётган ана шундай замонавий технологиялардан бири ҳисобланади.**

Аслида BIM технологияси нима ва унинг қандай афзалликлари бор?

BIM – бу қурилиш объектининг кўп ўлчовли моделини яратишга имкон берадиган технология бўлиб, у бу ҳақда барча маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу модел нафақат қурилиш учун, балки объектнинг ишлаши учун ҳам қўлланилади. Шунинг учун уни фақат график 3Д проекцияси деб ўйлаш мутлақо нотўғри. BIM қисқартмаси инглиз тилидан (Building Information Model или Modeling) "биноларни ахборот моделлаштириш" деб таржима қилинган. Кўпчилик дастурий таъминот номи BIM ҳарфлари ортида яширинган деб ҳисоблашади. Бошқалар чизилган бино BIM деб ўйлашади. Аммо бундай оддий таърифни бериш мумкин эмас. Дизайндаги BIM технологиялари бинонинг уч ўлчовли моделини яратишга асосланган, аммо бу ҳолда модел нафақат геометрик элементлар ва тўқималарнинг тўплами ҳисобланади, балки бундай модел ҳақиқатда бўлган ва ўзига хос физик хусусиятларга эга виртуал элементлардан иборат. BIM технологияси бинони лойиҳалаштиришга ва ҳатто қурилиш бошланишидан олдин ҳам унда содир бўладиган барча жараёнларни тўлиқ ҳисоблашга ва аниқлашга имкон беради.

Бугунги кунда ушбу технология юртимиз қурилиш компаниялари томонидан ҳам қурилиш жараёнида қўлланилмоқда. Агар илгари у билан ишлаш учун махсус мураккаб ва профессионал дастурларни ўрнатиш зарур бўлса, бугунги кунда смартфонлар ва планшетлар учун оддий дастурлар мавжуд. Бу мижозлар ва ишлаб чиқувчиларга BIM моделига тез ва қулай кириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, BIM технологиясидан фойдаланишнинг энг кенг тарқалган усули бу – визуализация ҳисобланади. Бу нафақат лойиҳани буюртмачига чиройли тарзда тақдим этиш, балки эскиларини алмаштириш учун энг яхши дизайн ечимларини топиш имконини ҳам беради. Иккинчи афзаллиги эса ўзгаришларни самарали ва осон бошқариш имконини берадиган моделдаги маълумотларни марказлаштирилган ҳолда сақлашдир. Лойиҳага маълум бир ўзгартириш киритганда, у дарҳол барча кўринишларда: қават режаларида, баландликларда ёки участкаларда кўрсатилади. Шунингдек, у дизайн ҳужжатларини яратиш тезлигини сезиларли даражада оширади ва хатолар эҳтимолини камайтиради. BIM технологиясини лойиҳалаштиришга киритиш молиявий харажатларни камайтиради ва объектни ишга тушириш муддатини сезиларли даражада қисқартиради. Шу сабабли, аксарият қурилиш компаниялари ўз амалиётларида замонавий ахборот моделлаштириш усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

Бу ҳақда АОКАда "Қурилиш соҳасига жорий этилаётган BIM технологиялари" мавзусида ўтказилган брифингда вазирлик ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмонов маълумот берди.

Брифингда таъкидланишича, эндиликда қурилиш жараёнлари BIM технологияси асосида амалга оширилади ва бу жараёнлар босқичма босқич ривожлантириб борилади. Хусусан, 2023 йилда манзилли дастурга киритилган ҳар бир ҳудудда 5 тадан объектни рақамли моделлаштириш усулида лойиҳалаштириш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, бугун дунёнинг етакчи мамлакатларида лойиҳалаш ва қурилиш жараёнлари BIM технологиялари асосида амалга оширилади. Бу борада Буюк Британия ва Сингапур етакчилик қилмоқда. Ўзбекистонда BIM технологияларни жорий этиш ва қурилиш жараёнларини рақамли бошқариш бўйича халқаро тажриба таҳлил қилиниб, бу йўналишда Хитой, Германия, Россия ва Қозоғистон тажрибаси ҳам ўрганилди. Консультатив музокаралар ҳам ўтказилди.

Қурилиш вазирлиги томонидан соҳага BIM технологияларини жорий этишнинг 2024 йилгача бўлган "Йўл харита"си ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра ушбу технология ва қурилиш жараёнлари иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар ягона стандартлар асосида, марказлашган сервер орқали мувофиқлаштириб борилади. Ҳудудлардаги "Ягона буюртмачи хизматлари инжиниринг компаниялари"ни BIM моделлар билан ишлашга тайёрлаш йўлга қўйилади.

Шунингдек, 2023 йилда Давлат инвестиция дастурига киритилган ва намунавий лойиҳалар асосида янгидан қуриладиган объектларнинг республика бўйича камида 70 таси танлаб олинади. Уларни лойиҳалаш учун ҳудудларда салоҳиятли лойиҳа ва ҳудудий экспертиза ташкилотлари тайёрланади. Объектларни қуриш учун ҳар бир ҳудуддан тажрибали лойиҳа ташкилотлари тендер орқали саралаб олинади. Бунда ягона буюртмачи, лойиҳачи, экспертиза ва қурилиш ташкилотлари ходимларини ўқитиш ҳам кўзда тутилган. Лойиҳалаш BIM нинг иккинчи даражаси яъни, 5Д моделда амалга оширилади. Қурилиш жараёнларининг бориши кузатув камералар ва дронлар ёрдамида назорат қилинади. BIM технологияларига ўқитиш мақсадида инжиниринг компаниялари ходимлари, архитектор, конструктор, электрика ва муҳандислик коммуникацияларини лойиҳаловчилар, қурилишни ташкил этиш лойиҳачиси ҳамда BIM-менежерларининг малака оширишлари ташкил этилади. BIMда лойиҳалаш ва қурилиш жараёнлари иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш учун ягона талаб ҳамда стандартлар ҳам ишлаб чиқилиши кўзда тутилган. Объектларнинг рақамли моделлари BIM-серверда сақланади ва ягона маълумотлар маркази ташкил этилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қурилишда BIM технологияларини қўллаш соф фойдани 25 фоизгача, рентабеллик индексини 14-15 фоизгача ортишига хизмат қилади. Инвестицияларнинг ўзини оқлаш даврини 17 фоизга камайтириб, қурилиш харажатларининг қисқариши ҳисобига лойиҳанинг таннархини 30 фоизгача арзонлаштиради.

Демак, тез орада тобора чирой очиб, замонавий қиёфа касб этаётган юртимиздаги иншоотлар келгусида бу каби технологиялар ёрдамида янада ўзгача тарзда бунёд этилади.

# Қурилиш саноати молия муассасалари эътиборида

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тараққиёт стратегиясининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Давлат дастурларида иккинчи беш йилликда ҳудудларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш баробарида янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш орқали иш ўринларини яратиш, шунингдек, ҳудудларда саноатнинг инновацион салоҳиятини ошириш масаласи алоҳида белгилаб берилган.**

Ушбу ҳужжат доирасида молия муассасаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Хусусан, бу борада Президентимизнинг 2021 йил 9 июндаги “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонидан келиб чиқиб, “Ўзсаноатқурилишбанк” қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, банк мутахассисларидан олинган маълумотларга кўра, қурилиш материаллари саноатининг инновацион салоҳиятини оширишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида умумий қиймати 995 млн АҚШ долларига тенг 181 та лойиҳа молиялаштирилиб, шундан 87 таси ишга туширилган. Бундан ташқари корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, рақобатбардош ҳамда экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни кучайтиришга қаратилган бошқарув тизими ва манзилли стратегия ҳам ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, фармондан келиб чиқиб, ҳаракатлар қилингани туфайли 2022 йилнинг олти ойида 14,4 трлн сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 трлн сўмга ошди. Шундан 459 млрд сўмлик маҳсулот маҳаллийлаштириш дастури доирасида истеъмолчиларга етказиб берилган. Ана шу жараёнда 560 млн АҚШ доллари ҳажмида хорижий ҳамда маҳаллий инвестициялар ўзлаштирилгани эътиборга моликдир. Белгиланган режага биноан йил охиригача соҳада 1,8 млрд долларлик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, шунингдек, тармоқ корхоналари томонидан 27,6 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда шу орқали 15 533 та янги иш ўрни яратиш назарда тутилган. Шунга кўра, бугунги кунгача тижорат банклари билан биргаликда қиймати 995 млн АҚШ долларилик 181 та лойиҳа молиялаштирилиб, 87 та лойиҳа ишга туширилди.

Масалан, Андижон вилоятида умумий қиймати 3 млн АҚШ доллари бўлган “Водий пласт про” МЧЖ корхонаси ишга туширилиб, йиллик қуввати 50 минг метрлик труба маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси банк томонидан молиялаштирилиб, 200 та янги иш ўрни ташкил қилинди. Соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш жараёнига илғор технологияларни жорий этиш каби тизимли ислоҳотлар қурилиш материаллари саноатида экспорт-импорт амалиётларининг ҳам ривожига ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фармонига биноан республикамизнинг норуда минераллар хомашё базасини ўзлаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида 24 та туман (шаҳар)ни қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш, ушбу ҳудудларда зарур ер участкаларини ажратган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаларини жорий қилиш мақсадида кичик саноат зоналари ташкил этиш белгиланган.

Айни пайтда ихтисослаштирилган туманларда қилиниши режалаштирилган умумий қиймати 150,9 млн АҚШ долларилик (шундан, 89,6 млн АҚШ доллари банк кредити) 58 та лойиҳанинг рўйхати шакллантирилди. Бу борада Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида кичик саноат зонасини ташкил этиш бўйича дастлабки қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Йил якунига қадар эса яна 7 та туманда ҳудудий ҳокимликлари билан ҳамкорликда индустриал зоналар ташкил этиш ишлари давом этади. Асосий эътибор қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенг шакллантириш хусусида бораркан, банкнинг бу борадаги яна бир ташаббуси мақсадга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

# Ўзбекистон илк марта касблар чемпионатида



**Юртимиз вакилларидан иборат Миллий терма жамоа яқинда “Евроосиё компетенцияни ривожлантириш дастури – 2022” чемпионатида Қуруқ қурилиш ва сувоқчилик ишлари (Сухое строительство и штукатурные работы) (21 WCИ) йўналиши бўйича иштирок этди.**

Москва шаҳрида бўлиб ўтган касблар чемпионатида Ўзбекистонлик иштирокчилар илк марта ўз касбий малака даражасини намойиш этишди. Қозоғистондан 1 нафар, Беларусиядан 1 нафар, юртимиздан 2 нафар, Россиядан 2 нафар, Хитойдан 2 нафардан иштирокчи қатнашган чемпионат якунига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Миллий терма жамоаси таркибида Бош эксперт Санжар Атаев ва эксперт Фирдавс Яшиев, иштирокчилар – Бухоро архитектура-қурилиш техникуми ўқувчиси Фозил Нусратов ва Бухоро давлат университети талабаси Акбар Абдираҳимовлар бўлишди. Акбар Абдураҳмонов 2-ўринни қўлга киритиб, кумуш медалга, Фозил Нусратов эса 3-ўринни эгаллаб, бронза медалига сазовор бўлди.

Терма жамоа вакиллари 2022 йилнинг 15-24 октябрь кунлари Франциянинг Бордо шаҳрида ўтказиладиган 46-Worldskills Жаҳон чемпионатида иштирок этишади.

**Ўз мухбиримиз.**

## “O‘zsanoatqurilishmateriallari” уюшмаси:

# СИФАТ БИРИНЧИ ЎРИНДА!

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Биз одатда кўча-кўйда кезар эканмиз, баланд-паст иморатларнинг ҳашаматидан ҳайратланамиз. Кун сайин кўрк очиб бораётган шаҳар кўринишидан мамнун бўламиз. Аммо бу жараёнда мазкур биноларнинг қурилиши учун асос бўлиб хизмат қилган қурилиш материаллари тармоғи, молия ташкилотлари ва ана шу материалларни ишлаб чиқараётган ишбилармонлар тўғрисида ҳар доим ҳам ўйлайвермаймиз. Яқинда “O‘zsanoatqurilishmateriallari” ЛИТИ уюшмаси ва “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ ҳамкорлигида ташкил этилган пресс-тур мазкур соҳа ходимларининг қурилиш соҳасидаги аҳамиятини яна бир бор кўрсатиб берди.**



### ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ДОИМИЙ ЎСМОҚДА

Ҳозирда мамлакатимизда 10 мингга яқин қурилиш материаллари корхоналари мавжуд бўлиб, уларда 180 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. 2022 йил якуни бўйича қурилиш материаллари экспорти 690 миллион доллар миқдорида белгиланган. Ўтган даврда 65,2 миллион долларлик ДСП, 42,5 миллион долларлик цемент, 25,3 миллион долларлик гулқоғоз, 25,3 миллион долларлик лок-бўёқ, 19,1 миллион долларлик қувур ва фитинг каби маҳсулотлар импорт қилинган.

Импорт асосан Россиядан – 32,1 фоиз, Қозоғистондан – 19,8 фоиз, Хитойдан – 10,6 фоиз, Тожикистондан – 7,2 фоиз ҳисобида амалга оширилган.

Маҳаллийлаштириш дастурига асосан жорий йилнинг ушбу даврида 13 турдаги қурилиш материаллари бўйича 515 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 116 фоизга бажарилган.

– Хусусан, дастур доирасида 18 минг дона керамик санитар-техник буюмлар, 1,8 миллион квадрат метр линолеум, 832 минг квадрат метр керамогранит, 1,8 минг тонна пайвандлаш электродлари каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган, – деди “O‘zsanoatqurilishmateriallari” уюшмаси директорининг биринчи ўринбосари Азизбек Баҳодиров. – 2022 йил якуни билан маҳаллийлаштириш дастури доирасида 981 миллиард сўмлик 13 турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш белгиланган. Бу борада, жорий йилнинг ўтган даврида 758 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, режа 120 фоизга бажарилган. 2022 якунлари бўйича 1 802 миллион долларлик инвестицияларни ўзлаштирилиши ва ўтган йилга нисбатан 127 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Хусусан, ушбу лойиҳаларнинг 35 таси йирик лойиҳалар, 132 таси ўрта лойиҳалар ҳамда 652 таси кичик лойиҳаларни ташкил этади. Жорий йилда қиймати 1,8 миллиард долларлик 819 та лойиҳалар ишга туширилади ва 20,9 мингга янги иш ўринлари ташкил этилади.

Президентимизнинг “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Булоқбоши, Қоровулбозор, Фориш, Чуст, Пахтачи, Сариосиё, Оҳангарон ва Ўзбекистон туманларидан иборат 8 та ҳудудда қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш кўзланган. Шунингдек, 16 та туман ва шаҳарларда бошқа ҳудудлар билан саноат кооперацияси ташкил этилиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш белгиланган. Бугунги кунда, мазкур ихтисослашган туманларда қиймати 1,6 миллиард долларлик 150 та лойиҳа шакллантирилган. Бунинг натижасида қарийб 98 мингга яқин иш ўрни ташкил этилиши белгиланган. Ушбу кластерларни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 2022-2023 йилларда давлат бюджетидан 200 миллиард сўм, шундан жорий йилда 101 миллиард сўм ҳамда геология-қидирув ишлари учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Натижада Янги Ўзбекистон массивлари барпо этишда объектларнинг қурилиш муддати ва таннархини камайтириш имкони яратилади.

### ЗАМОНАВИЙ БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ “МУЗЕЙ”И

“O‘zsanoatqurilishmateriallari” уюшмаси бугун республикамизнинг кўплаб тадбиркорларини бирлаштирган ташкилот. Мазкур бирлашма таркибидаги ишбилармонлар томонидан ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари ҳозирда том маънода маҳаллий бинокорлик жараёнларининг асосий таъминот манбаидир. Уюшманинг шоуруми ҳам амалда миллий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғининг ўзига-хос “музей”ига айланган.

Нурота тоғ тизмаларида ишлаб чиқариладиган табиий-пардозбоб, импорт ўрнини босувчи тошлар, оғир ва енгил саноат завод-фабрикалари учун ўтга чидамли ғиштлар, прессланган ғиштлар, гипс маҳсулотидан табиий деворбоб маҳсулотлар, замонавий қурилиш саноатининг ажралмас қисмига айланган керамик плиталар, мармар, гранит маҳсулотлари, табиий ва сунъий мозаика тошлар, уй ландшафти учун табиий тошзиналар, коммунал тармоқ маҳсулотлари мазкур шоурумга ўзгача кўрк бағишлаган.

– Кейинги 5 йилда мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишида олиб борилган ижобий ислоҳотлар натижасида қурилиш материаллари саноати жадал суръатларда ривожланди, – деди “O‘zsanoatqurilishmateriallari” уюшмаси бошқарма бошлиғи Баҳодир Кенжаев. – Хусусан, қурилиш материаллари саноатининг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 8,1 триллион сўмдан 2021 йилда 24,2 триллион сўмга ошди. Соҳага 2017 йилда 560 миллион долларлик инвестиция жорий этилган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 1,4 миллиард долларга етди. Шунингдек, экспорт ҳажми 71,4 миллион доллардан 438,1 миллион долларга етказилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш 103,2 миллиард сўмдан 923 миллиард сўмни ташкил этиб, қарийб 9 баробарга ошган.

### ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ СИФАТИ ТЕКШИРИЛАДИ(МИ?)

Албатта, сўнгги йилларда қурилиш соҳасининг кескин ўсиши ортида бу савол долзарблик касб этди. Жумладан, маълумотларга қарайдиган бўлсак, жорий йилнинг I ярим йиллигида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 15,0 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш ўтган йилга нисбатан 108 фоизга ошган. Ушбу даврда соҳага 758 миллион долларлик инвестициялар жорий этилди. 287,0 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди. 268,0 миллион долларлик қурилиш материаллари импорт қилинди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 514,9 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шунингдек, ушбу даврда 4 833 та янги иш ўрни ташкил этилди. 2022 йил якуни билан соҳа



бўйича 27,6 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, 1,8 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилиши, 690,0 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниши, маҳаллийлаштириш дастури доирасида 981 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда 20 908 та янги иш ўринлари ташкил этилиши кутилмоқда. Шунинг билан бирга, жорий йил якуни билан 470,0 миллион долларлик қурилиш материаллари импорт қилиниши белгиланган.

Соҳа корхоналари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жами 287,0 миллион долларлик қурилиш материаллари экспорт қилиниб, режага нисбатан 123 фоизга бажарилган ва ўтган йилга нисбатан 1,9 баробарни ташкил этган.

Жумладан, 64,6 миллион долларлик керамика маҳсулотлари, 86,7 миллион долларлик ПВХ профил, труба ва пластмасса маҳсулотлари, 82,1 миллион долларлик металл буюмлар, 38,0 миллион долларлик алюмин профил ва алюминдан ясалган маҳсулотлар экспорт қилинган. Жами экспорт давлатлар кесимида Қозоғистон – 29 фоиз, Қирғизистон – 16 фоиз, Тожикистон – 15 фоиз, Россия – 7 фоиз кўринишига эга.

Албатта, бу жараёнларда ишлаб чиқарилган маҳаллий қурилиш материаллари билан бир қаторда экспорт қилинаётган қурилиш материалларининг ҳам сифат даражасини баҳолаш жуда муҳимдир. Бу борада йирик ишлаб чиқариш корхоналарида текшириш лаборатория бўлимлари ташкил этилган. Корхонада ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари бевосита мазкур лабораторияларда текширувдан ўтказилиб, таркибий қисмларининг баланси ўрганилади. Шунга кўра маҳсулотнинг сифат ҳолати назорат қилинади. Айни кунда, мазкур турдаги лабораториялар билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда маҳсулот сифатини назорат қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилган.

### “ТАДБИРКОРЛАР МАКТАБИ” ҚАНДАЙ ВАЗИФАНИ БАЖАРАДИ?

Айтиш керакки, кейинги йилларда ҳақиқатда қурилиш материаллари ва бевосита қурилиш соҳаси иқтисодий драйверга айланди. Жумладан, охирги беш йилда мамлакатимизда 20 турдан ортиқ янги инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Бу биз учун нима беради?

Буни оддий рақамлар кесимида ҳам кўриш мумкин. Жумладан ўтган даврларда “O‘zsanoatqurilishmateriallari” уюшмаси таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган 400 миллион сўм миқдоридаги қурилиш материаллари экспорти йўлга қўйилган эди. Бугунги кунда мазкур соҳага замонавий инновацияларни татбиқ этиш натижасида уюшма таркибидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг экспорт қиймати 1 триллион сўмдан ошди. Кўриниб турибдики, соҳага янги инновацион технологияларни олиб кириш ва бу борада тадбиркорларга тушунтиришлар бериш, ўқитиш ва ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада уюшма таркибида фаолият олиб бораётган “Тадбиркорлар мактаби” ўқув курсларининг аҳамияти катта.

– Ҳозирги кунда ҳаётимизни замонавий инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди, – деди илмий тадқиқот ва инжиниринг маркази директори Саидаҳмад Раззоқов. – Инвестициялар бевосита янги технологиялар билан чамбарчас боғлиқдир. Бу жараёнлар бевосита мазкур янгиланишлар учун соҳани чуқур англаган кадрларни талаб этади. “O‘zsanoatqurilishbank” ва “O‘zsanoatqurilishmateriallari” ҳамкорлигидаги “Тадбиркорлар мактаби” ўқув курси айни шу мақсадда ташкил этилди дейишимиз мумкин. Ҳозирда республикамизда 10 мингдан ортиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қурилиш корхоналари фаолият олиб бормоқда. Уларда 80 мингдан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Мазкур улкан жамоа таркибидаги муҳандис-технологларнинг касбий малакасини ошириш бевосита мазкур ўқув курсида амалга оширилади. Шу кунга қадар мазкур ўқув курсларида 400 нафарга яқин тингловчи қатнашиб, ўзларининг билим ва кўникмаларини оширди.

“O‘zsanoatqurilishmateriallari” ЛИТИ уюшмаси ва “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ ҳамкорлигида ташкил этилган пресс-тур қизғин савол-жавоб шаклида ўтиб, йиғилганлар ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича мутасаддилардан батафсил жавоблар олишди. Ўз ўрнида, оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида мазкур ташкилотларнинг жонбозлиги эътироф этилди.

## ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

# Қурилиш–монтаж ишларида сохтакорлик кетмайди

**Анваржон ҲОМИДОВ,**
Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди судлов ҳайъати судьяси.
**Лутфулла МАМАРАЖАБОВ,**
Жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман суди раиси.

**Халқимиз, “Сув зар – сувчи зарган”, деган иборага ҳамиша қатъий амал қилиб келади. Бу бекорга эмас, кейинги йилларда минтақамизда табиий иқлимнинг кескин ўзгариб бораётгани сувнинг ҳар бир томчисидан оқилона фойдаланишни тақозо этяпти. Шу боис барча соҳалар бўйича мақсадга эришиш учун зарур чоралар қўлланилмоқда. Айниқса, республикамизнинг айрим ҳудудлари агросаноат мажмуига кенг ихтисослашгани сабабли экин-тикинларни суғоришда тежамкорликни таъминловчи замонавий технологиялар тармоққа жорий қилинаётгани кутилган натижани бераётир.**

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисида”ги Низом тармоқда банд бўлганларни қийнаётган муаммолардан бирини ҳал қилишда дастуриламал бўлди. Қарор ижросини амалда татбиқ этиш учун Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида ҳам ташкилий ишлар бошланиб, алоҳида ишчи гуруҳи тузилди ва унга 2017 йилдан буён туман ирригация бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган Абдулла Муқимов (исм-шарифи ўзгартирилди) раҳбар, ёрдамчиси эса аввал шу туман қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган Фарҳод Даверов (исм-шарифи ўзгартирилди) этиб тайинланди.

Таъкидлаш керак, мазкур Низомнинг 17-18-бандларида талабгорлардан ишчи гуруҳига ариза тушган кундан эътиборан 5 кун ичида улар ва пудрат ташкилотлари вакили иштирокида жорий қилинган технологияларнинг тўлиқ ишлаш жараёнини жойида ўрганиш, сифатли қурилгани, техник талабларга жавоб берса, субсидия ажратиш лозимлиги, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ сифатсиз қурилган ва техник талабларга жавоб бермаганда аниқланган камчиликлар етти кун ичида бартараф қилинмаса, ишчи гуруҳ 3 кун ичида сабабларни кўрсатиб, талабгорга субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулоса беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим бўлса-да, ишнинг дастлабки кунидан бошлаб улар ўзларига ишониб топширилган вазифани суиистеъмол қилишади.

Жумладан, фермерларнинг пахта экилган ер майдонларида томчилатиб суғориш технологиялари амалда тўлиқ жорий қилинмаган ва ишга туширилмаган бўлса ҳам улар мансаб сохтакорлигига йўл қўйиб, жами 40 та фермер хўжалигининг 804 гектар пахта экилган ер майдонларида томчилатиб суғориш технологияларининг қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунланиб, ишга туширилгани ҳақида сохта маълумотлар киритиб, уни туман ҳокимига тасдиқлатмасдан, ҳудудий ишчи гуруҳи орқали Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига тақдим этиб, ушбу сохта ҳужжатлар асосида давлат бюджетидан юқоридаги фермер хўжаликларига 7 млрд 992 млн 144,6 минг сўмлик сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплашга қаратилган субсидиялар нотўғри ажратилишига йўл қўйиб, давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлишган.

Жамиятда ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этганлар амалдаги қонунларимиз устувор эканини суднинг қора курсида ўтиргандагина англаб етишса кеч бўлади. Мазкур жиноятга қўл урганлар ҳам ўзларига тегишли жазони олишди. Одил суд уларнинг ҳар бирига тегишлича жазони тайинлади.

# Бунёдкорлик ишлари янада кенгаяди

**Азамат ТОШБОЕВ,**
Наманган тумани қурилиш бўлими бошлиғи.

**Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табриги барча ҳамкасбларимизни янги марралар сари илҳомлантирмоқда.**

Қилинган меҳнатга юксак даражада баҳо берилса, ҳар қандай киши фахрланади. Президентимизнинг табригидаги сўзлар ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олди. Улар айни пайтда дастуриламал ҳам ҳисобланади. Эндиликда асосий вазифа аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қўшадиган ҳиссамизни янада кўпайтиришдан иборат.

Байрам муносабати билан ўтказилган вилоят тадбирида ҳам соҳа тараққиётида эришилаётган улкан натижалар қайд этилди. Масалан, шу йилнинг ўзида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ва қурилиш-таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларининг амалга оширилиши учун 317,4 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланганди. Дастур доирасида 12 та умумтаълим мактаблари, 9 та мактабгача таълим муассасалари, 10 та тиббиёт муассасалари ҳамда 1 та маданият марказида қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Бу борада туманимизда ҳам катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда. Шу кунларда Президентимизнинг 2022 йил 18 мартдаги “2022-2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини бажариш диққат марказида турибди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Оқ ер” ва “Чағир” МФЙ ҳудудлари асосий қурилиш майдонига айланган. Янги бинолар қад кўтармоқда, эскилари мукаммал таъмирланяпти. Инфратузилма объектларини янгилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқингача “Чағир” МФЙ аҳолисининг электр таъминотидан шикоятлари кўп эди. Бу борадаги вазиятни ўнглаш ҳам дастурга киритилган. Шунга кўра, маҳалладаги “Шўрқишлоқ” ним станцияси реконструкция қилинмоқда. Электр қуввати етказиб берадиган кабеллар ва таянчлар ҳам янгиланяпти.

Бугунги кунда туманнинг ҳар бир маҳалласида кўплаб қурилиш майдонларини кўриш мумкин. Янги-янги кўркам бинолар қад кўтармоқда. Улар орасида уй-жойлардан тортиб, саноат корхоналари-ю маданий-маиший объектлар, таълим ва тиббиёт муассасаларигача бор. Буларнинг ҳаммаси халқ турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

# “Ташаббусли бюджет”да афзалликлар кўп

**Кейинги йилларда аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва уларга зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида турли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига кўра одамлар бевосита ўзи яшаб турган жойдаги муаммо ҳамда камчиликлар юзасидан таклифларини билдириб, холис овоз йиғиш йўли билан керакли жойда ажратиладиган маблағларни тўғри сарфланишига эришиши мумкин.**

Ислоҳотларни кенг шакллантиришда муҳим ўрин тутаётган мазкур дастурдан Қарши туманида яшовчи фуқаролар ҳам оқилона фойдаланиб, ҳудудларни ободонлаштириш ва йўлларни тартибга келтириш ишларида самарали фойдаланишяпти. Масалан, туман маркази ҳисобланган Бешкентда кўп йиллардан буён эътиборсизлик туфайли харобага айланганди. Бугунги кунда иншоот тўла қайта реконструкциядан чиқарилиб, замонавий ҳолга келтирилмоқда.

Уни кўркам масканга айлантиришда “Навбаҳор” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлари бирлашиб, стадионни қайта таъмирлаш учун “Ташаббусли бюджет”га ўз лойиҳаларини киритиб, бир миллиард сўм маблағ ютиб олишди. Стадионнинг суғориш тизими замонавий ускуналар билан жиҳозлантирилиб, қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугатилгунга қадар, футбол майдони, унинг ён-атрофига чим ётқизилиб, кўркам ҳолатга келтирилади. Барча реконструкция ишлари ниҳоясига етказилгандан сўнг, “Насаф” футбол клуби учун янги ўқув-машғулот қароргоҳи вазифасини ҳам ўташи бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олинган. Замонавий қиёфа касб этаётган стадион ва унинг атрофида бошқа қулайликлар ҳам яратилади. Ёшлар учун яхши спорт комплекси бунёд қилиниши баробарида атрофида хизмат кўрсатиш шохобчалари ривожланади, қўшимча даромад олиш имконияти кенгаяди, янги иш ўринлари яратилади.

Эндиликда бу ўйингоҳда спортнинг кўплаб турлари бўйича машғулотлар, туманнинг катта-кичик тадбирлари, байрам ҳамда сайиллар ҳам ўтади. Қолаверса, бир пайтлар фаолият кўрсатиб, кейинчалик шароит ва маблағ йўқлигидан тарқаб кетган тумандаги футбол жамоасини қайта тиклаш учун ҳам саъй-ҳаракатлар қилиняпти.

Жорий йилда “Ташаббусли бюджет”дан ютиб олинган маблағнинг асосий қисми ички йўлларни обод қилишга қаратилди. Жумладан, “Бунёдкор”, “Равот”, “Бодомзор”, “Қуйи Бешкент” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидан ўтувчи Мустақиллик кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш баробарида пиёдалар ва велосипедчилар ҳаракатини транспорт оқимидан ажратиш учун узунлиги 3,5 километр, эни 3,5 метр бўлган саломатлик йўлакчаси барпо этилмоқда.

Туманнинг чекка ҳудудида жойлашган Поштон қишлоғи аҳолиси ҳам узоқ йиллардан буён ички йўлларнинг носозлигидан азият чекарди. Жорий йилда қишлоқ ёшлари бирлашиб, “Ташаббусли бюджет”дан ички йўллар таъмири учун қарийб бир миллиард сўм маблағ ютиб олди ва бунинг натижасида қишлоқдаги 2 километрдан зиёд ички йўллар асфальтланди.

**Ўз мухбиримиз.**



# Мирободда замонавий бинолар қуриляпти

**Эркин ҲОЖИМУҲАММАД,**
журналист.

**Пойтахтимизда турар жой мажмуаларини қуриб битказиш, уларнинг сифатини таъминлаб, аҳолига топшириб келаётган қурилиш компаниялари талайгина. Улардан бири, “PARK WOOD” турар жой мажмуаси бўлиб, шу номдаги компания замонавий қурилишда инновацион ютуқларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Жамоа қуриб битказаётган биноларнинг ғайриоддий архитектурада, технологик жиҳозлангани, экологик муҳитга эътибори, умуман, қад ростлаган янги мажмуада яратилган барча қулайликлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади.**

Айни пайтда компания қураётган мажмуа пойтахтимизнинг Мирobod туманида жойлашган бўлиб, 7 ва 13 қаватдан иборат 13 та бинони ташкил этади. Пухта ўйланган меъморий ечим, блокли тартиб ҳар бир хонадонга ёруғликнинг кириб бориши ва ҳавонинг мўътадил айланишини таъминлайди.

Турар жой мажмуаси шаҳар марказидалигини инобатга олсак, яқин атрофда мактаб, болалар боғчаси, савдо мажмуалари, шифохоналар, дорихоналар мавжуд. Биноларнинг биринчи қаватлари тижорат тузилмалари учун ажратилган бўлиб, мажмуанинг ижтимоий инфратузилмасини ҳам яхшилаш имконини беради. Уйларнинг томи функционал майдонлардан иборат, яшаш учун топширилгандан сўнг у ердаги майдонларда стол тенниси, мини-футбол каби спорт турлари билан шуғулланиш мумкин бўлади. Яқин орада яна боғ, очиқ кинотеатр, очиқ спорт майдончасини ҳам ташкил этиш кўзда тутилган.

## Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы | Срок строительства (календарных дней) |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-W-11 | Реконструкция системы электроснабжения в МСГ “Молгузар” Бахмальского района Джизакской области | 4 913 812 339 сум без НДС | 90 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-27 | Реконструкция системы электроснабжения в МСГ “Турттом” Зааминского района Джизакской области | 2 557 160 963 сум без НДС | 60 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-16 | Реконструкция системы электроснабжения в ССГ “Галлакор” Зааминского района Джизакской области | 9 736 549 254 сум без НДС | 150 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-43 | Реконструкция системы электроснабжения в МСГ “Илонли” Фаришского района Джизакской области | 3 908 253 407 сум без НДС | 120 календарных дней |

### Инжиниринговая компания “Служба единого заказчика” при Джизакском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка”, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

***По объектам электроснабжения участники тендера должны иметь лицензию на строительство и эксплуатацию объектов повышенного риска и потенциально опасных производств для проведения высоковольтных работ.***

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Джизакской области, а также ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 300 000 сум.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области**<br>**Адрес:** ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).<br>**Тел.:** 72-771-64-32.<br>**Факс:** 72-771-64-31.<br>e-mail: jiztender@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>р/с: 2021 0000 0037 5718 9001<br>Джизакский ф-л АКИБ “Ипотека-банк”<br>ИНН 202 411 803<br>МФО 00122 |

**Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Банковская гарантия на сумму |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-W-11 | Реконструкция системы электроснабжения в МСГ “Молгузар” Бахмальского района Джизакской области | 98 276 247 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-27 | Реконструкция системы электроснабжения в МСГ “Турттом” Зааминского района Джизакской области | 51 143 219 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-16 | Реконструкция системы электроснабжения в ССГ “Галлакор” Зааминского района Джизакской области | 194 730 985 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-43 | Реконструкция системы электроснабжения в МСГ “Илонли” Фаришского района Джизакской области | 78 165 068 сум |

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 (по ташкентскому времени) 14 сентября 2022 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в данном процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**
Консалтинговый центр по организации тендерных торгов в строительстве.
**Адрес:** ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).
**Тел.:** 72-771-64-32.
**Факс:** 72-771-64-31.
**E-mail:** jiztender@mail.ru
**Ответственный представитель консалтингового центра:** Шухрат Уралов.

## “Служба заказчика в сфере строительства” при хокимияте Ферганской области

### ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ!

**Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы | Срок строительства |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-FER-W-01 | Восстановление (асфальтирование) внутренних дорог 5 категории на территории населенных пунктов МСГ “Корасой” Язъяванского района Ферганской области | 4 438 060 263 сум без НДС | 120 календарных дней |
| MOEI-RIDP-FER-W-02 | Реконструкция систем электроснабжения населенных пунктов на территории МСГ “Кувурбоши” Куштепинского района Ферганской области | 2 016 509 006 сум без НДС | 120 календарных дней |

**Во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан “О мерах по реализации проекта “Развитие сельской инфраструктуры” с участием Международной ассоциации развития Всемирного банка и Азиатского банка инфраструктурных инвестиций” за № ПП-4898 от 25 ноября 2020 года**

### Инжиниринговая компания “Служба единого заказчика” при Ферганском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка”, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

***По объекту MOEI-RIDP-FER-W-02 необходимо наличие лицензии на строительство объектов повышенного риска (участник должен продемонстрировать действительную лицензию, дающую право на проведение высоковольтных работ).***

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Ферганской области, а также ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 345 000 сум.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Ферганской области**<br>**Адрес:** г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111“б”.<br>**Тел.:** 99-615-68-91, 99-615-68-92.<br>**E-mail:** fartender@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Ферганской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>р/с: 2021 0000 2037 6761 8001<br>Ферганский филиал АКБ “InFin Bank”<br>ИНН 202 529 457 МФО 01128 |

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии в размере 1 % от стоимости объекта по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16:00 часов (по ташкентскому времени) 22 сентября 2022 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**
Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве.
**Адрес:** г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111“б”.
**Тел.:** 99-615-68-91, 99-615-68-92.
**E-mail:** fartender@mail.ru
**Ответственный представитель консалтингового центра:** Вохиджон Карвонов.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Август ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги етакчи мутахассиси **Нодир Режабоев,**

Андижон вилояти, Қурилиш бош бошқармаси бош ҳисобчиси **Шавкатжон Сотволдиев,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси маъмурий ишлар бўйича инспектор **Музаффар Комилов,** етакчи мутахассис **Ислом Турсунбоев,**

Тошкент вилояти, Қибрай тумани қурилиш бўлим бошлиғи – бош архитектор **Раҳим Ризаев,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Тошкент вилояти филиали ходими **Феруза Джунайдуллаева**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

# Байрамга муносиб туҳфа




**Ҳилола ИСМАТОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Навоий вилоятининг Кармана тумани бугун ҳақиқий янгиланишлар майдонига айланган. Ободонлаштирилишга катта эътибор қаратилаётган Малик маҳалласи кўркам тусга кирмоқда.**

Яқин вақтгача қақраб ётган чўл ҳудуди ободонлаштирилиб, мўъжаз шаҳарчага айлантирилди. Бу ерда 4 та янги ижтимоий соҳа объектлари қад ростлади. 23- ва 26-сонли умумтаълим мактаблари, 21-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти, Мирзо Улуғбек номли оилавий шифокорлик пункти, "Малик" маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биноси қурилиб фойдаланишга топширилгани маҳаллий аҳоли учун чинакам совға бўлди.

Шунингдек, туманнинг Зарафшон, Ўзбекистон, Калавот, Янги ариқ маҳаллаларига ҳам маҳалла бинолари, умумтаълим мактаби биноси, болалар боғчаси қуриб берилди. Бинолар тикланишида "G'olib Javohir qurilish", "Temurbek kapital servis", "Qiziltepa Kapital Qurilish", "Muzaffar Shaxribonu Poydevori" масъулияти чекланган жамиятлари қурувчилари томонидан олиб борилган меҳнат самараси, дейиш мумкин. Шу ўринда, ушбу бунёдкорлик ишларида Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси ва туман қурилиш бўлимлари, архитекторларнинг ҳам ҳиссаси борлигини таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган иншоотлар маҳалла аҳолисининг узоғини яқин, оғирини енгил қилди. Қўшимча ички йўллар қурилиб, ободликка эътибор қаратилди.

# Янги ер ости йўли қуриб битказилмоқда

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммити муносабати билан бу ерда улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Анжуман яқинлашгани сайин иншоотлар қурилиши бирин-кетин ниҳоясига етказиляпти.**



Янгидан барпо этилаётган Самарқанд туристик марказида олиб борилаётган юмушлар, айниқса диққатга сазовор. Эшкак эшиш канали бўйида қад ростлаган, халқаро андозаларга мос 212 гектар майдонни эгаллаган иншоотлар мажмуаси эндиликда нафақат кўҳна кент, балки юртимизнинг фахрига айланишига шубҳа йўқ. 22 қаватдан иборат беш юлдузли меҳмонхоналар, йирик конгресс холл, турли дам олиш объектлари, "Абадий шаҳар" карвонсаройи, "Тошкент-Термиз" автомобиль йўли устидан қурилган муҳташам кўприк миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштирган нодир намуна экани ҳозирдан эътироф этилмоқда.

Шу кунларда эса "Самарқандкўприкқурилиш" унитар корхонаси жамоаси мажмуа таркибига кирган яна бир ноёб иншоотни фойдаланишга топшираётгани эътиборга моликдир. Бунёдкорлар M\39 халқаро магистраль автомобиль трассаси остидан ўтадиган тоннель қурилишининг сўнгги ишларини бажаришяпти. "Узукка қўйилган кўз" каби ярашиб тушган ва бошқа объектлардан қолишмайдиган ер ости йўлининг узунлиги 42 метр бўлиб, кўприксозликнинг илғор усуллари асосида барпо этилмоқда.

– Тошкентдаги "Йўл лойиҳа бюроси" МЧЖ мутахассислари тайёрлаган лойиҳага кўра, шаҳардан туристик марказга борадиган йўловчилар асосан шу тоннель орқали мажмуага кириши режалаштирилган, – деди пудрат ташкилоти раҳбари Аҳад Ўроқов. – Бу ерда велосипедда, ногиронлик аравачасида келадиган меҳмонлар ва сайёҳлар учун ҳам алоҳида йўлакларни жойлаштиряпмиз. Тоннелнинг сифати ва меъёрий талабларга мувофиқлиги эътиборга олинган. Бунда Самарқанд тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси ишчи-хизматчиларининг ёрдами катта бўляпти. Муҳими, муҳандис-ишчилар ўз зиммаларига юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришмоқда.



## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## "Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖ

### очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

"Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига "Parkent universal savdo kompleksi" АЖнинг 2022 йил 8 августдаги 115-сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 74-уйининг 9-блок қисмида жойлашган, 2 қаватли бинонинг ертўла билан умумий ер майдони 943 квадрат метрдан иборат бўлган бинонинг ижара ҳуқуқи қуйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 270 000 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилиш охирги муддати:** 2022 йил 23 сентябрь куни соат 16.00да тўхтатилади.

**Талабгорларнинг таклифлари 2022 йил 26 сентябрь куни соат 11.00 дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 11 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Такрорий савдолар учун ариза буюртманомаларнинг қабул қилиш танлов ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 16.00 гача қабул қилинади.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишади:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

**жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

**Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида "Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2260 4000 2053 3172 3001 ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С. Азимов 5-тор кўчаси, 5-"а" уй.

**Телефон:** 97-340-22-69.

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ электрон онлайн аукцион савдога таклиф этади!

**Такрорий аукцион савдога "Toshkent shahar hokimligi munitsipal aktivlarni boshqarish markazi" Davlat unitar korxonasining 2022 йил 16 августдаги 02-05/3043-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт ва асосий воситалари қўйилмоқда:**

| Т/р | Давлат рақам | Номи | Биринчи 15 кунликда белгиланган бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|
| 1. | 01 НА 163 | Экскаватор гидравлический пневмоколесный ZYL160 №0904004 | 200 541 449,83 |
| 2. | 01 НА 175 | Автогрейдер средний GR180 | 122 497 453,13 |
| 3. | 01 НА 187 | Гладковальцовый легкий виброкат (1,5-2,5т) Hamm HD 10 | 4 772 107,17 |
| 4. | 01 НА 186 | Бульдозер Т-170 | 39 458 785,22 |
| 5. | 3761 | Прицеп тележка ж/д | 6 534 186,78 |
| 6. | 01 НА 165 | Фреза дор. холод. 1м W100 | 370 817 499,69 |
| 7. | 01 НА 156 | Гладковальцовый тяж. вибро-каток (11-14т) Hamm HD 110 | 208 609 256,76 |
| 8. | 01 470 RHA | ГАЗ 31029 | 8 182 291,53 |
| 9. | 01 923 JCA | ДЭУ-КС44Т | 156 974 703,27 |
| 10. | | 2-х стоечный подъемник | 2 437 088,44 |
| 11. | | Станок токарный 1К62 | 29 688 822,96 |
| 12. | | Станок фрезерный | 3 469 998,72 |
| 13. | | Пресс-ножницы (комбинированные) | 18 710 143,64 |
| 14. | | Станок обдирочно-шлифовальный | 4 859 777,57 |
| 15. | | Станок обдирочно-шлифовальный | 4 859 777,57 |
| 16. | | Сварочный трансформатор ТДМ-500 | 1 854 087,50 |
| 17. | | Станок вертикально-сверильный 2А 135 | 4 053 045,46 |
| 18. | | Дробилка (комплекс новая) | 5 719 496 007,09 |
| 19. | | Асфальтоместитель (комплекс) | 741 278 071,72 |
| 20. | 01 857 ZHA | Махсус ахлат ташувчи | 51 838 942,14 |
| 21. | | Golf Cara | 38 806 507,25 |

**Аукцион савдо 2022 йил 6 сентябрь куни соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 5 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт ва асосий воситалар 2022 йил 6 сентябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар бошланғич баҳоси 5 фоиз пасайтирилиб ҳар 15 кунда соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 23 сентябрь куни соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 11 августдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Oloy-Invest Lombard" МЧЖ томонидан қўйилмоқда:**

1. 202202193004779-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 16 499 464 сўм.
2. 202202193004778-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 12 007 792 сўм.
3. 202202193004794-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 13 505 016 сўм.
4. 202202193004789-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 8 414 454,4 сўм.
5. 202202193004790-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 207 254,96 сўм.
6. 202202193004797-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 26 664 117,74 сўм.
7. 202202193004792-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 10 510 568 сўм.
8. 202202193004774-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 623 337,6 сўм.
9. 202202193004775-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 773 060 сўм.
10. 202202193004776-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 16 948 631,2 сўм.
11. 202202193004793-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 12 157 514,4 сўм.
12. 202202193004769-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 159 198,16 сўм.
13. 202202193004770-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 420 006,4 сўм.
14. 202202193004771-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 692 646,8 сўм.
15. 202202193004772-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 676 946,4 сўм.
16. 202202193004788-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 275 836 сўм.
17. 202202193004766-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 099 309,2 сўм.
18. 202202193004765-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 15 840 685,44 сўм.
19. 202202193004787-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 18 146 410,4 сўм.
20. 202202193004786-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 8 115 009,6 сўм.
21. 202202193004785-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 200 974,8 сўм.
22. 202202193004784-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 15 286 712,56 сўм.
23. 202202193004796-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 141 814 сўм.
24. 202202193004780-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 015 755.92 сўм.
25. 202202193004798-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 8 654 010,24 сўм.
26. 202202193004795-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 997 643,6 сўм.
27. 202202193004783-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 773 060 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Oloy-Invest Lombard" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амур Темур кўчаси, 1-уй.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 23 сентябрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида"ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 0049 3216 8025 "Турон банк" АТБ Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Аукцион савдода қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 8 августдаги 02/012-2178-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:**

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Т. Қайипбергенов кўчаси, 25-уйда сақланаётган 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 548 ZAA бўлган, қониқарсиз таъмирталаб ҳолатдаги "TOYOTA HILUX PICK UP" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 10 216 400 сўм.

**Аукцион савдо 2022 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" манзилида жойлашган "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ биносида ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари иш кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вакти).

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 700571452012 АТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй.

**Тел.:** 61-222-84-44.

**Расмий сайтимиз:** www.rmm.uz

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№66-67 (619-620) 2022 йил 23 август

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ















# МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАНИНГ ЖАННАТМОНАНД ГЎШАСИ

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Марказий Фарғонада Ёзёвон тумани ташкил топганига етмиш йил бўлди. Тан олиб айтганда, ўша йиллар билан бугунги кунни солиштирганда ер билан осмонча фарқ бор. Инсоннинг қўли гул, қадамидан гул унади, деганлари ҳам бор гап. Яхши умидлар, эзгу мақсадлар билан бу ерни ватан тутган ёзёвонликлар ўтган йиллар давомида бор куч ва иродасини ерларни ўзлаштириб, чўлни обод қилишга сарфлашди. Чўл – инсон измига бўйсунди.**

**Бугун Ёзёвонни чўл дейишга тил ожизлик қилади. Қай томон боқманг замонавий ва кўркам уй-жойлар, обод манзиллар. Нафақат туман маркази, балки олис қишлоқларда ҳам ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Гўзал қишлоқ ва маҳаллалар, кўплаб хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига олган мажмуалар, спорт иншоотлари, дам олиш масканлари, ёшлар учун барча қулайликлар яратиб берилган мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари...**

## ЮҚОРИ СОЙБЎЙИДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-32-сонли фармонига асосан, “Юқори Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 65,8 гектар ер майдони уй-жой қуриш учун захирага олинган. Шундан, жорий йилда қурилаётган кўп қаватли уй-жойлар ва инфратузилма объектлари ҳамда “Янги Ўзбекистон” массиви учун 15,5 гектар ер майдони ажратилган.

Массивнинг саноат зонасида пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой заводлари, тўқимачилик фабрикаси қурилиб, 1 200 та иш ўрни яратилади. Яна А-373 Тошкент-Ўш автомобиль йўлининг маҳалладан ўтган қисмида 20 гектар майдонда катта юк машиналари учун логистика маркази, меҳмонхоналар ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам бунёд этилади.

Ҳududдаги 33 та 5 қаватли ва 7 қаватли уйларнинг 15 тасига вилоятдаги 12 та қурилиш ташкилоти бириктирилган бўлиб, айни кунларда бетон қуйиш, катлаван қазиш, засипка ишлари олиб борилмоқда. Бу жараёнларга 15 дан зиёд турли русумдаги қудратли техникалар жалб қилинган. Шунингдек, уйларнинг 6 таси 7 қаватли, 2 подъездли бўлса, яна 6 таси 5 қаватли, 2 подъездли ва 21 таси 5 қаватли, 1 подъездли, ҳаммаси бўлиб 948 та хонадон жойлашиши режалаштирилган.

Уй-жойларнинг ер майдонлари “E-Ijro auksion” савдо майдончасига киритилган. 8 таси эса хусусий пудрат ташкилотлари ва хорижий инвестор томонидан сотиб олинган. Ҳозирги кунда молиялаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу турар жойларда қурилиш ишлари жорий йилнинг октябрь ойи охирига қадар тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилади.

Қурилиш ташкилотларига қулайлик яратиш, объектлардаги жараёнларни жадаллаштириш ҳамда ишнинг сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида 1 та ТП, 850 метр электр тармоғи ва 16 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилган. 800 метр ичимлик сув тармоғи тортилиб, 2 200 метр ички йўллар шағаллаштирилди.

Шунингдек, 3,7 га ер майдонини эгаллаган “Янги Ўзбекистон” боғи майдонига 1 400 дан ортиқ ҳар хил турдаги манзарали дарахтлар экилиб, парвариш қилинмоқда. Боғ ҳудудида хусусий клиника, умумий овқатланиш шохобчаси, ёшлар маркази ишга туширилади. Бундан ташқари, турли маросимлар ўтказиш имконияти яратиладиган ижтимоий инфратузилма объектларининг 4 таси тадбиркорлик йўналиши бўйича қурилиши режалаштирилган.

Массивнинг 10,1 гектарида ташкил этилган кичик саноат зонасида “Posco internfnionfl Textile” МЧЖ томонидан инвестиция киритиш орқали пахта тозалаш, чигитни қайта ишлаш ва синтетик тола ишлаб чиқариш заводлари қуриш режалаштирилган. Ушбу ер майдони “E-Ijro auksion” савдо майдончаси орқали берилиши белгилаб қўйилгани сабабли “Erelektron” ААТга киритиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, массив ҳудудидаги ер майдонлари кўп тармоқли жамоат мажмуалари, клиника диспансерлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш йўналишида мулк ҳуқуқи асосида аукцион савдоларга қўйилади.

## ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР ЮРТ КЎРКИ

“Чўлигулистон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 22-сонли умумтаълим мактаби ташкил этилганига кўп йиллар бўлди. Эндиликда мактабни таъмирлашга эҳтиёж сезилди. Бунинг учун билим даргоҳини реконструкция қилиш лойиҳаси тайёрланиб, 3 млрд 903,3 млн сўм маблағ йўналтирилди. Бу ишлар “Эффект Элегант қурилиш” МЧЖ томонидан сифатли амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, “Юқори” МФЙдаги 16-, 17-, 21- ҳамда 26-сонли умумтаълим мактабларидаги қурилиш, жорий таъмирлаш ишлари “Фарғона Кристал қурилиш” ҳамда “Орзу таъмир қурилиш файз” МЧЖ томонидан олиб борилмоқда.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга мамлакат миқёсида катта аҳамият берилмоқда. Бу ишга Жаҳон банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги жалб қилингани ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Жумладан, “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси иштирокида “Истиқлол” МФЙ ҳудудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1 та сув тарқатиш иншооти қуриш, 12 километр ичимлик суви узатиш тармоғини тортиш, лойиҳадан орттирилган 800 млн сўм маблағ доирасида 1 километр масофадаги ички кўчаларни асфальтлаш, электр таъминотини яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йилда бу каби ишлар давом эттирилиб, “Қорасоқол” МФЙ ҳудудидаги яроқсиз ҳолга келиб қолган Асалчилик, Наврўз, Ибрат, Истиқлол кўчаларига асфальт ётқизиш, тупроқли кўчаларни шағаллаштириш ишлари режалаштирилган. Бундан ташқари, маҳаллаларда электр энергияси таъминотида юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф қилиш мақсадида ТП-110/160 кВА дан чиқувчи 2,2 километр 0,4 кВли электр узатиш тармоғини янгилаш ҳамда 97-сонли қуввати 63 кВА нинг юкини енгиллаштириш учун 1 та ТП, 86 та бетон таянчлар ўрнатиш, 2,2 километр тармоқни янгилаш чоралари кўрилмоқда.

## МАҲАЛЛАЛАРДА ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “2022–2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-172-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги “Тараққиёт” ва “Юқори” МФЙларда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, дастур доирасида юқоридаги қишлоқларда истиқомат қилувчи 6 734 нафардан зиёд аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш доимий эътиборда. Шунингдек, замонавий йўл-транспорт инфратузилмасини ишлаб чиқиш, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-ободонлаштириш ишларини олиб бориш учун 27 млрд 160 млн сўм миқдорида маблағ сарфланиши режалаштирилган. Дастур доирасида Республика бюджетининг 11 млрд 160 млн 100 минг сўм маблағи ҳисобидан 45 километрга яқин йўлларга цемент-бетон ва асфальт-бетон ётқизилиб, шағаллаштирилади. Ҳозирги кунда мазкур маҳаллаларда ички кўчаларни таъмирлаш, асфальтлаштириш, асфальт-бетон ётқизиш, шағаллаштириш ишлари режадагидек амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Республика бюджети захира маблағларининг 4 млрд 920 млн сўми эвазига тумандаги оғир ҳудуд ҳисобланган 28 та кўчанинг 21 километр қисмини таъмирлаш, 2 километр цемент-бетон, 2 километр асфальт-бетон ва 17 километрни шағаллаштириш ишлари ҳам назарда тутилган.

Тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳам туман ҳокимлигининг алоҳида назоратида. Шу мақсадда 2 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 1 та сув иншооти қуриш, 2 та сув иншоотини таъмирлаш ва шу орқали 16,5 километр тармоқ тортиш ишларини амалга ошириш лойиҳалаштирилган. Бунинг учун Республика бюджети маблағи ҳисобидан 4 млрд 290 млн сўм ажратилган.

Шунингдек, электр таъминоти бўйича эски таянч устунларни янгилаш, реконструкция ва модернизация қилиш, мукаммал таъмирлаш ишлари ҳам режадагидек амалга ошириб келинмоқда.

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ КУРАНТ

Дарвоқе, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган туман марказига вақт шиддатини англатиб, ислоҳотлар самарасини кўрсатиб турувчи 15 метр баландликка эга курант ўрнатилиб, унинг атрофида мўъжазгина хиёбон ва гулзор барпо этилди. Бу ерда яратилган ажойиб ландшафтдан ҳайратланиб ўтаётган фуқаролар анвойи гулларнинг ҳидидан сархуш бўладилар.

Фарғонани қўшни Андижон ва Наманган вилоятлари билан боғловчи мазкур туманда сўнгги йилларда ахборот-кутубхона маркази, стадион, мевали ва манзарали боғ, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, маданият муассасалари қад ростлади. Кенг ва равон йўллар бўйлаб ям-яшил аллеялар бунёд этилди. Замонавий кўча чироқлари ўрнатилиб, ахборот-коммуникация, инфратузилма хизматлари сифати яхшиланди.

## ЯНГИ БИНО ЯХШИ КУНЛАРГА БУЮРСИН

“Юқори Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғини ўзининг замонавий биносига ҳам эга бўлди. Ҳашар йўли билан бошланган бинога бюджетдан 350 млн сўм маблағ сарфланди.

Бино қурилишида ҳудудда яшаб, эл хизматида бўлган саховатли тадбиркорлар ва ҳомийлар ҳам қараб туришмади, баҳоли қудрат кўмак беришди. Бинода маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори учун алоҳида хоналар яратилди. Турли тадбирлар ўтказиш мақсадида тантаналар зали ҳам барпо этилди.

– Бу ўзгаришлар, хайрли ишларнинг бари кўз ўнгимизда амалга оширилди, – деди маҳалла имоми Араббой Орипов. – Бир пайтлар маҳалла идорасининг муқим жойи йўқ эди. Аҳоли эса идорани тополмай сарсон бўлган кунлар кўп бўлган. Янги бино яхши кунларга буюрсин.

## ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Туманда атиги саккиз ой давомида 7,5 млрд сўм маблағ сарфланиб, инвестиция дастурига кўра туманлараро қўшма шикастланишлар ва юрак-қон томир касалликлари маркази қурилиб, фаолият бошлади.

– Илгари касалхоналардаги бундай тиббий асбоб-ускуналар фақат пойтахтда ёки вилоят марказидагина бўлар эди, – деди бинонинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Хайрулла Бозаров. – Президентимиз ташаббуси билан Ёзёвондек чекка туманда мана шундай замонавий тиббий марказ қурилганининг ўзи ҳам мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашнинг яна бир кўринишидир. Қолаверса, бу асбоб-ускуналар тиббиёт ходимлари томонидан асраб-авайлаб ишлатилиши лозимки, узоқ йиллар халқимиз саломатлигига хизмат қилсин.

Марказ Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан 34 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар – 27 турдаги турли аппаратуралар, шунингдек, МСКТ, замонавий рентген-диагностика ва гемодиализ, видеобронхоскоп аппаратлари билан таъминланди. 50 ўринга мўлжалланган мазкур марказда юқори технологик аппаратлар билан ишлаш учун 10 нафар мутахассис шифокор бепул малака ошириш курсларида ўқитилди. Ҳозир марказда 32 нафар олий тоифали шифокор, 210 нафар ўрта ҳамда 96 нафар кичик тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқда.

Эндиликда вилоят марказида эмас, балки Ёзёвонда ҳам беморларга замонавий аппаратлардан фойдаланиб, юқори технологик операциялар – юрак-қон томирларига стенд қўйиш амалиёти йўлга қўйилади. Шунингдек, замонавий рентген аппарати ёрдамида беморларга шошилинч ташхис қўйиш, ўз вақтида юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш амалга оширилади. Эътиборлиси, марказ Қува, Тошлоқ ва Қўштепа туманлари аҳолисига ҳам шошилинч тиббий ёрдам кўрсатади.

## ЧЎЛИГУЛИСТОН ГУЛИСТОНГА АЙЛАНМОҚДА

Чўлигулистонда бугун аҳоли ортиб, кўп манзиллар обод бўлиб, исми-жисмига монанд бўлиб бормоқда. Илгари жамоа хўжалигидан қолган кўримсиз маҳалла биносининг кичик ва тор хоналари тадбиркор Ботирали Юнусов томонидан давлат шерикчилиги асосида кенг ва ёруғ, шинам, барча шароитларга эга масканга айланди.

– Маҳалламиз кундан кунга янгиланиб боряпти, – деди меҳнат фахрийси Адҳамжон Байитов. – Қаранг, маҳалла гузари унча-мунча марказдан қолишмайди. Мактаб, поликлиника, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш дўконлари, қассобхона бир жойда жойлашган. Мактабимиз ҳам бу йил қайта реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга келтириляпти. Ҳар куни, кун ора янада чирой очиб боряпти. Қурувчиларнинг қўли гул экан, барака топишсин. Бу ҳам республикамиз мустақиллиги байрамига катта совға бўлади, албатта.

Бугун юртимизнинг барча туманларидаги каби марказий Фарғонанинг жаннатмакон гўшаси – Ёзёвонда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Меҳнаткаш қишлоқ аҳолиси эса яратилаётган шароитларга шукрона келтириб, миннатдорчилик ҳисси билан яшамоқда. Буни уларнинг порлаб турган кўзларидан, ўтли нигоҳларидан ҳис қилиш қийин эмас. Тинчлигимизга, мустақиллигимизга кўз тегмасин.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-843.
1859 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 03.00.
Топширилди – 03.50.

1 2 3 4 5 6